VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

30 (247) ● 2013 йил 7 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллий қадриятлар, анъана ва маросимлар ҳар бир халқнинг ўзига хослиги намоён этувчи, ўзлигини англатувчи кўзгу




3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши сессиясида электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган қарор қабул қилинди



5 ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ

Ҳозирги кутубхона ўзига хос ахборот маркази. У ердан керакли барча маълумотлар ва ахборотларни топиш, ўрганиш мумкин



8 КЎЗГУ

## Хабарлар

### Саломатлик ҳафталиги

**Фарғона вилоятида "Соғлом бола — соғлом келажак" шиори остида саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мамлакатимиздаги йирик тиббий марказлар, даволаш профилактика муассасалари ва тиббиёт бирлашмалари ҳамкорлигида ташкил этилаётган саломатлик ҳафталиги тадбирларида, аввало фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Шунингдек, кекса ва ногиронларга ҳам замонавий тиббий ускуналар ёрдамида аниқ ташхис қўйилиб, саломатликларини мустаҳкамлаш бўйича тегишли тавсиялар берилмоқда.

### Муносиб ҳозирлик

**Сирдарё вилояти шаҳар ва қишлоқларида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.**

Байрам тадбирларини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш чора-тадбирлари белгилаб олинган. Фаоллар билан биргаликда ҳудудни ободонлаштириш, ёшлар тарбияси, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, болалар оромгоҳларида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, профессор ўқитувчилардан иборат тарғибот гуруҳлари иштирокида учрашувлар, ижодий кечалар ўтказилмоқда.

### Мамлакат босқичига йўлланма олди

**Нукусда "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. Унда қуйи босқичларда сараланган 16 фуқаролар йиғини ўзаро куч синашди.**

Танлов якунига кўра, Амударё туманидаги "Қиличбой" овул фуқаролар йиғини энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи деб эътироф этилди ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.





# Партия дастурий мақсадларини амалга оширишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш

**ЎзМТДП Марказий Кенгашининг XI-пленумида муҳим вазифа сифатида белгиланди**

***Тошкентда ЎзМТДП Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унинг ишида партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.***

Пленумда ЎзМТДП жорий йил ўтган олти ойлик фаолиятининг якунлари ва партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари юзасидан маъруза қилган партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси С.Отамуратов, партиямизнинг бугунги анжумани Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик тантаналари тобора яқинлашаётган бир пайтда ўтмоқда, деб ўз сўзини бошлади. Бугун бутун мамлакатимиз ва халқимиз Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш иштиёқи билан яшамоқда, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам ушбу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш учун иш дастурларини белгилаб, уни амалга оширишга киришдилар. Хусусан, партиямиз Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасида ушбу қарор атрофлича муҳокама қилиниб, партиянинг махсус иш режаси қабул қилинди. Ҳозирги пайтда барча партия ташкилотлари **"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, Мустақил Ўзбекистон!"** шиори остида кенг қамровли тадбирлар ўтказишмоқда.

Мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқ ва олий қадрият эканлигини, истиқлол бизга халқ ва миллат сифатида ҳақ-ҳуқуқимизни, ғурур ва ифтихоримизни қайтариб берганлигини ҳар биримиз теран англаб, уни мустаҳкамлаш, юрт ва халқимиз манфаатларига фидойилик билан хизмат қилиш шарафли бурчимиз эканлиги тадбирларимиз руҳида акс этмоқда,-деб алоҳида таъкидлади партия раҳбари.

2-бет

ЎзМТДП дастури — амалда

# "МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР — МИЛЛАТ ҚАНОТИ"

**халқ сайли жиззахликларни Новқага чорлади**

*Кўнглим боғидан жоним сени танладим,*
*Қайноналик гулдастасин қўшиб боғладим.*
*Амир Темур невaралар суяйин,*
*Ана шудир менинг орзу, тилагим,*

дея доира жўрлигида жўшиб қўшиқ куйлаётган онахон кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб этди. Салкам 70 ёшни қоралаган, Бахмал туманининг Шўрбулоқ қишлоғида истиқомат қиладиган Болбувиш она Ғойипованинг айтишича, лапар, ўлан, айтишув, қўшиқ сингари халқ оғзаки ижоди турларидан билганларининг саноғи йўқ. "Миллий қадриятлар — миллат қаноти" мавзусида ўтказилаётган халқ сайли туфайли, уларни бугунги авлод вакилларига етказиш имкони юзага келди.

### СЎЛИМ БАХМАЛ ХАЛҚ САЙЛИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия Жиззах вилоят Кенгаши ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Бахмал туман ҳокимлиги ҳамкорлигида 2013 йил — "Обод турмуш" йили ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилган халқ сайли юзлаб бахмалликларни ўзига чорлади.

Сўлим ва гўзал табиатга эга туманнинг "Новқа ота" зиёратгоҳида ўтказилган сайилда ЎзМТДП Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаоллари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси масъул ходимлари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳунармандлар, фольклор-этнографик гуруҳлар, ижодкор ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Дастлаб тадбир иштирокчилари Жиззах вилоятининг ўзига хос тарихий масканларидан бири саналган "Новқа ота" зиёратгоҳи, унинг пайдо бўлиш тарихи ҳамда бу ерда зиёратчилар учун яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишдилар.

3-бет

Мулоқот

***Жаҳоннинг энг тараққий этган, илғор демократик давлатлари қаторидан ўрин эгаллаётган мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳалардаги изчил ислоҳотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ойдинлиги, шаффофлигини таъминлаш кучли фуқаролик жамияти ривожлантиришнинг муҳим омилидир.***

# Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

**фаолиятининг очиқлиги — эркин фуқаролик жамияти ривожининг муҳим омили**

4-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





# Партия дастурий мақсадларини амалга оширишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш

**ЎзМТДП Марказий Кенгашининг XI-пленумида муҳим вазифа сифатида белгиланди**

(Давоми. Боши 1-бетда)

## ФАОЛИЯТИМИЗ ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРГА МОСМИ?

***Ўтган йигирма икки йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар соладиган бўлсак, истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.***

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари демократикислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилиш зарурати ҳамда ислоҳотларнинг босқичма-босқичлик тамойилига мос ҳолда 2007 йил **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида**»ги Конституциявий қонун қабул қилинди. 2010 йили 12 ноябрь куни бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисида муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"**да белгиланган вазифалар, ғоя ва мақсадлар Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини янги босқичга олиб чиқмоқда. Концепцияга мувофиқ 2011 йил апрель ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига-)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунлар туфайли сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари янада кенгайди ва масъулияти ошди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги, жойларда депутатлик гуруҳларининг қарорлар қабул қилишдаги фаолияти тубдан ўзгарди. Истиқлол йилларида сиёсий тажриба орттириш, сиёсий етуклик ва молиявий мустақилликка эришиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш юзасидан сиёсий партиялар, хусусан, ЎзМТДП ҳам доимий изланишда бўлди. Кўриниб турибдики, бугун сиёсий партиялар ўз фаолиятларини эмин-эркин амалга оширишлари учун барча ҳуқуқий ва молиявий шароитлар яратилган.

Лекин, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда яратилган имкониятлар даражасида фаолият кўрсатаяпмизми? Партиянинг доимий электоратини шакллантириш ва унинг манфаатларига хизмат қилиш замон талабларига жавоб берадими? Сайловолди Платформамизда эълон қилинган мақсад-вазифаларни бажаришда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари етарли даражада саъй-ҳаракат кўрсатаяптими? Бугунги Пленумда биз ўз фаолиятимизни ана шу ва бошқа бир қатор саволлар атрофида чуқур танқидий таҳлил қилишимиз лозим,- деди нотиқ.

## АМАЛИЙ ИШЛАР ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛМОҒИ КЕРАК

***Юқоридаги талаблар асосида партия ўтган 6 ойлик фаолиятига назар ташласак, Республикамиз бўйича ЎзМТДП ташкилотлари 7353 та тадбирлар ташкил қилган.***

Партиямиз дастурий мақсад ва вазифаларини кенг омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш, аъзоларимиз ва хайрихоҳларимиз сафини кенгайтиришда тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши 980 та, Тошкент вилояти 712, Қашқадарё вилояти 584 та, Фарғона вилояти 562 та тадбирлар ўтказиб ижобий натижаларни қўлга киритишган. Бироқ партия Сирдарё вилоят Кенгаши, Каттақўрғон шаҳар Кенгаши, Пахтачи, Ургут, Тайлоқ туман Кенгашлари партия ишининг энг муҳим қисми бўлган тадбирлар ташкил қилишда масъулиятсизликка йўл қўйишди.

Бугунги кунда партиямиз Марказий Кенгаши халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолиятини тубдан кучайтиришни асосий вазифа сифатида белгилади. Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси томонидан маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига киритиш учун депутатлик гуруҳларимизга партиямиз Дастури ва сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, ўнлаб масалалар мавзуси тақдим қилинди. Бундан ташқари ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқиб ҳар бир депутатлик гуруҳлари сессия кун тартибига киритиш учун масалалар тайёрлаш таклифи берилди. Натижада ҳозирги пайтда депутатлик гуруҳларимиз томонидан маҳаллий Кенгаш сессиялари ва доимий комиссиялари кун тартибига олиб чиқилаётган партия электорати манфаатлари билан боғлиқ масалалар қамрови кенгайиб, бу борада ижро ҳокимияти органларининг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилди.

Юқоридаги факт ва рақамлардан кўриниб турибдики, партия сайловолди Платформасини амалга оширишда депутатларимиз муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига Тошкент шаҳар, Навоий вилояти, Тошкент вилояти, Жиззах вилояти, Бухоро вилояти депутатлик гуруҳларимиз бир қатор масалаларни киритиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришишган. Ушбу кўрсаткични туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Жалақудуқ, Қўшкўпир, Янгиобод, Қизилтепа, Вобкент туманидаги депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин. Лекин, Пешку, Конимех, Ғаллаорол, Учқўрғон туманларидаги депутатларимиз суст фаолият кўрсатишган. Шу ўринда яна бир аччиқ ҳақиқатни тилга олиб ўтмоқчиман. Айрим депутатларимиз депутат деган юксак ном ва ваколатга, энг муҳими, ишончга беписандлик билан қараб ўз сайловчилари ҳамда партия дастурий мақсад вазифаларига хизмат қилишни унутиб қўйишмоқда. Бундай депутатларга нисбатан қонун ва партиямиз Устави талаблари асосида жиддий чоралар кўриш вақти келди.

Жойлардаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларимиз ҳудудларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидан чуқур хабардор бўлиб, электоратимизни қандай масала-муаммолар ўйлантираётганлигини доимий равишда мониторинг қилиб боришлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббус билан чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришишлари зарур.

## БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БОШ ТАЯНЧИМИЗ

***Бошланғич партия ташкилотлари партиямиз фаолиятида энг муҳим ва ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади.***

Партия фаолиятини янада кучайтириш, электорат манфаатларини таъсирчан ҳимоя қилиш, жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этиши юзасидан ҳаётий таклиф ва тавсиялар бошланғич партия ташкилотлари томонидан илгари сурилиши лозим.

Бугунги кунга келиб партиямиз тизимида 5039 та бошланғич партия ташкилотлари мавжуд. Бу борада Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари сезиларли силжишларга эришишган. Бироқ Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида бошланғич партия ташкилотларини ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан кўпайтиришга эътибор суст. БПТлар ҳақида гап кетар экан, партия Нурота, Томди, Амударё, Қоракўл, Жомбой, Ғиждувон туманларида ижобий натижалар қўлга киритилаётганлигини, лекин Шаҳрихон, Асака, Чортоқ, Ромитан туманларида бу борада оқсоқликка йўл қўйилаётганлигини айтиб ўтиш зарур.

Шу йил май-июнь ойларида барча Бошланғич партия ташкилотларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишларда БПТлар ўтган даврда амалга оширган ишлари сарҳисоб қилинди ва истиқболдаги режалари белгилаб олинди. Энг муҳими партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ва жойларда сайловчиларимизни ўйлантираётган масалалар юзасидан маҳаллий Кенгашлар сессияларига киритиш учун таклифлар ишлаб чиқилди. Ушбу амалиётни янада кучайтириш ва уни янги босқичга кўтариш партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифадир.

Партия салоҳиятини белгилашда унинг аъзолари сони муҳим ўрин тутишини барчамиз яхши биламиз. Ҳозирги пайтда партиямиз аъзолари сони 167 минг кишидан ошди. Шу ўринда биз бирор фуқарони партия сафига қабул қилар эканмиз, аввало, унинг Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига содиқлиги, партия ишида фаол иштирок этиши, сиёсий билим ва тайёргарлиги етарли даражада бўлишига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Сон орқасидан қувиб сифатни унутишга ҳаққимиз йўқ.

## ПАРТИЯ МАТБУОТ НАШРИ — ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

***Партиямизнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, барча даражадаги ташкилотларимиз ва депутатлик бирлашмаларимиз фаолиятини мамлакатимиз жамоатчилигига таништириш, электорат ва ижтимоий қатламимиз манфаатларига хизмат қилишда партиямиз матбуот нашри — "Миллий тикланиш" газетасининг ўрни катта эканлигини барчамиз яхши биламиз.***

Ҳозирги пайтда газетанинг 4-5 бети мунтазам равишда партия фаолиятига бағишланмоқда. Депутатлик гуруҳларимиз сессияларга киритаётган масалаларни ҳар томонлама таҳлил қилган мақолалар сони кўпайди. Бундан ташқари партия ходимлари учун ниҳоятда зарур бўлган дастурий мақсадлари ва ғояси партиямизга яқин ва ўхшаш бўлган хорижий сиёсий партиялар тарихи, иш тажрибаси, электорати, шиорлари, мақсадлари ҳақида ҳамда чет эл парламентлари хусусида мақолалар бериб бориш йўлга қўйилди. Газетамиздаги бундай ижобий ўзгаришлар Марказий Кенгаш ва фракциямиз ҳамда партиямизнинг оддий аъзолари томонидан қизиқиш билан кутиб олинди ва маъқулланди. Шу билан бирга таҳририят фаолиятини бугунги кун талаблари асосида янада кучайтириш учун бир қатор тадбирларни амалга оширишимиз зарур. Жумладан, таҳририят моддий-техника базасини мустаҳкамлаб бориш, журналистлар малакаси ва билимини мунтазам ошириш, партия фаолиятини чуқур таҳлил қилувчи мақолалар сонини кўпайтириш ва савиясини ошириш зарур.

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

***Биз, сиёсий партия сифатида, энг аввало, бизнинг ғоямиз ҳамда сайлов кампанияси даврида эълон қилган Платформамиз ва номзодларимизга ишониб овоз берган сайловчилар, электоратимиз манфаатларига хизмат қилишимиз лозим.***

Шу нуқтаи назардан фаолиятимизга назар солсак, юқорида тилга олиб ўтилганидек депутатлик гуруҳларимиз бир мунча ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси, Марказий банк ва Ҳунарманд уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил қилган **"Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти"** мавзусидаги амалий семинар доирасида асосий электоратимиз бўлган ҳунармандлар ва оилавий тадбиркорларга шу вақтга қадар 5 млрд. 200 млн. сўмлик кредитлар олиб беришга кўмаклашилди. Бунинг натижасида 500 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Биргина шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида 1 млрд. 143 млн. сўмлик ана шундай кредитлар олишга ёрдам берилди ҳамда 185 та янги иш ўринлари яратилди.

## АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР — ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИДИР

***Маълумки, юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга барча соҳаларда кенг шароитлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.***

Ҳозирги пайтда партиямиз аъзоларининг 48 фоизидан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилади. Партия "Аёллар қаноти" бир қатор тадбирлар ташкил этаётган бўлсада, жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш ва уларнинг партия ташкилотлари фаолиятида мунтазам иштирокини таъминлаш бўйича ҳали кўплаб ишларни амалга оширишимиз зарур. Айниқса, бу борада аниқ мақсадларга ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайтиришга қаратилган янги лойиҳалар яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш долзарб масала бўлиб турибди. Бу борадаги ҳар қандай тадбир ва лойиҳаларимиз партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

ЎзМТДП аъзоларининг 48 фоизи ёшлардан иборат. Партиямиз доимо ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб келади. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшларни миллий ва мустақиллик ғоялари асосида тарбиялаш, улар қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, маънан юксак, жисмонан бақувват авлод бўлиб етишишларига кўмаклашиш доимо диққат марказимизда бўлган. Шу билан бирга ёшларнинг, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, бу масалада мутасадди ташкилотларга ҳар томонлама ёрдам бериш партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларимиз олдида турган яна бир муҳим вазифадир. Энг асосийси, давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишга бор куч ва имкониятларимиз билан кўмаклашишимиз зарур.

## ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИ ПАРТИЯНИНГ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШДА ЯНГИ ҒОЯЛАРНИНГ ИЖОДКОРИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

***Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислоҳотлар чуқурлашиб, сиёсий партиялар ўртасида ғоялар ва дастурлар кураши кучайиб бормоқда.***

Мана шу талабдан келиб чиқиб, партия фаолиятини замон талаблари асосида янги босқичга кўтариш мақсадида Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси қошида соҳалар бўйича Ишчи ва экспертлар гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳларнинг дастлабки йиғилишлари ўтказилиб, партиянинг мафкура ва маънавият, кадрлар сиёсати, аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, партиямиз тизимида ишлаётган ходимлар учун бир қанча йўналишларда методик қўлланмалар тайёрланмоқда.

## ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

***Партия фаолиятини янада кучайтиришда кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш муҳим аҳамиятга эга.***

Кадрлар билан ишлашни замонавий тизимга кўчириш, уларнинг таркибини мунтазам равишда янгилаб бориш, ўқитиш, малакасини ошириш юзасидан янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Кадрлар соҳасида ана шу вазифалар ҳақида гапирар эканмиз, партиямиз девонларида ишлаётган масъул ходимларнинг сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимлар эгаси ва энг муҳими инсон сифатида ижобий фазилатларга эга бўлиши зарур.

Яна бир муҳим вазифа — партия фаолияти бошқарувини такомиллаштириш, турли бўғиндаги партия ташкилотлари ўртасида ўзаро ахборот алмашувини тезлаштириш ва кучайтиришдан иборат. Бу эса замонавий ахборот технологияларни партия фаолиятида кенг татбиқ этишни кучайтиришни тақозо этади. Шу муносабат билан яқинда партия веб-сайтида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партиямиздан сайланган депутатларнинг партия аъзолари ва сайловчилар билан доимий мулоқотини таъминлаш, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш ва бошқа турли масалалар юзасидан мурожаатларини эшитиш мақсадида депутатлик блоги ташкил қилинди. Келгусида мазкур блог орқали нафақат Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз балки Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар билан мулоқот йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб фракциямиз аъзолари веб-сайтимиздаги блог орқали келаётган саволларга ўз вақтида жавоб беришлари зарурлигини алоҳида таъкидлаб, сайловчилар мурожаатларига жавоб бериш интизоми ва масаласини келгуси пленумда албатта таҳлил қилишимизни эслатиб ўтмоқчиман. Шунингдек, партия Марказий Кенгашидан тортиб туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари ўртасида электрон ахборот алмашунивини жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

Фракциямиз аъзолари сайловчилар билан учрашувлар чоғида жойларда партиямиз сайловолди Платформасида кўзда тутилган вазифалар қандай амалга оширилаётганлигини ўрганиши ва улар ҳам электоратимиз манфаатларига қаратилган масалалар бўйича таҳлилий хулосаларга эга бўлишлари ҳамда илгари сурилаётган қонун лойиҳаларида уларни акс эттиришга доимий равишда ҳаракат қилишлари зарур. Энг муҳими, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш долзарб вазифамиздир.

Жорий йил 29 январда Президентимизнинг «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Партиямиз маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ички бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш ва уни хорижнинг сифатсиз товарларидан ҳимоя қилишни ўзининг иқтисодиёт соҳасидаги етакчи вазифаларидан бири сифатида белгилаган. Шу боис, Президентимизнинг юқорида номи тилга олинган қарори ижросини таъминлаш бўйича барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатларимиз бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари шарт. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Давлат дастурларининг ижросини таҳлил қилиб бориш фракциямиз, ушбу масалани маҳаллий кенгашлар сессияларида ташаббус сифатида олиб чиқиш депутатлик гуруҳларимиз доимий эътиборида бўлиши лозим.

Биз айни пайтда ўқув-семинарлар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ўқув-семинар орқали, **биринчидан,** ташаббускор, масъулиятни ҳис қиладиган, замонавий дунёқараш ва билимларга эга кадрлар шакллантиришимиз ҳамда шу орқали партиянинг салоҳиятини оширишимиз зарур. **Иккинчидан,** кадрларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш ва уларнинг таркибини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ҳамда уни янги кадрлар билан бойитиб боришни изчил йўлга қўйиш лозим. **Учинчидан,** партия ташкилотлари девонларида ишлаётган масъул кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиб фаолиятимизга татбиқ этишимиз даркор,- деди пировардида партия раҳбари.

Пленум кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, фракция раҳбари У. Муҳаммадиев сўзга чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2013 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти тўғрисида ахборот берди.

Эътироф этилганидек, ҳисобот даврида фракция аъзолари асосий эътиборни партия дастурий мақсад ва ғояларидан келиб чиқиб, миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, миллий бозорни тараққий эттиришга қаратдилар.

Жумладан, Фракциянинг Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳалари, ҳисоботлар, шунингдек, партия ва фракция фаолиятига оид масалалар муҳокамасига бағишланган 18 та йиғилиши бўлиб ўтган.

Ўтказилган йиғилишларда биринчи ўқишдаги 25 та, иккинчи ўқишдаги 24 та қонун лойиҳаси муҳокама қилинди ҳамда партия мақсад ва вазифалари, электорат манфаатларини кўзлаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида фракция аъзолари 9 та қонун лойиҳаси бўйича масъул маърузачи бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар эътиборига ҳавола қилинди.

Фракция аъзоларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки ҳақида тўхталганда, бир гуруҳ депутатларимиз қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг Қонунчилик палатасига киритилгани ва қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан музокараларда сўзга чиққан партия Марказий Кенгаши ва фракцияси аъзоларидан А.Мирзаев, Ғ.Қодиров, А.Саидов, А.Маматов ва бошқалар барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини янада кучайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

Пленум якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Мулоқот**

(Давоми. Боши 1-бетда)

# Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

## фаолиятининг очиқлиги — эркин фуқаролик жамияти ривожининг муҳим омили

Бу борада юртимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнини янги босқичга кўтаришга қаратилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳуқуқий тажрибадан ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари **Улуғбек МУҲАММАДИЕВ** бу борада қуйидагиларни гапириб берди.

— Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида фуқароларни ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш, уларнинг оммавий ахборот воситалари билан муносабатларини тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб берувчи «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш таклиф этилган эди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича миллий ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда тайёрланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ривожланган демократик давлатларнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари атрофлича ўрганилиб, уларнинг мақбул жиҳатлари миллий қонунчилигимизга уйғунлаштирилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, Буюк Британиянинг «Ахборот эркинлиги тўғрисида»ги, АҚШнинг «Ҳукуматнинг очиқлиги тўғрисида»ги, Франциянинг «Фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатлари тўғрисида»ги, Жанубий Кореянинг «Давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборотни очиш тўғрисида»ги, Россия Федерациясининг «Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилиши тўғрисида»ги, Эстониянинг «Давлат ахбороти тўғрисида»ги ва бошқа халқаро амалиётдаги тажрибалар мукаммал таҳлил этилди.

**— Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва мақсадига эътибор қаратсангиз.**

— Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, очиқ, кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг энг муҳим йўналиши бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятидаги ошкораликни таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолини Ўзбекистонда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб бориш ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсадини ташкил этади.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган бўлиб, асосий вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинадиган қарорлар учун жавобгарлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг улар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдалана олишларини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш шаклларини кенгайтириш, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш тартиб-таомилларини ўрнатиш белгиланган.

Қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги, ошкоралиги, ҳамма фойдалана олиши мумкинлиги ва ишончлилиги, бундай ахборотни қидириш, олиш, узатиш ва тарқатиш эркинлиги, фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги, уларнинг ор-номуси ва иш юзасидан обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига, юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этилганда уларнинг иш юзасидан обрўсини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқларига риоя қилиш каби омиллар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида ахборотдан фойдаланувчи ва унинг ҳуқуқлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари ҳақида ҳам муайян нормалар кўзда тутилган. Давлат тузилмасининг ахборот хизмати функцияларини сифатида қонун лойиҳасида турли жамоат тадбирлари (интервью, матбуот конференциялари, брифинглар ва ҳоказо)ни ташкил этиш, ахборот хабарлари (пресс-релизлар, бюллетенлар)ни тарқатиш йўли билан оммавий ахборот воситаларида давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг фаолиятини ёритиш бўйича чораларни кўриш, расмий ахборот ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган маълумотларни тарқатишнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш мумкинлиги кўзда тутилмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг асосий усуллари сифатида ахборотни эълон қилиш ёки расмий веб-сайтда жойлаштириш, янгилаб бориш, шунингдек, ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўладиган хоналарда ва жойларда жойлаштириш, ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, ахборотдан фойдаланувчилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коллегиал кенгашларида иштирок этишларини таъминлаш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида оғзаки ва ёзма шаклларда ахборотни тақдим этиш назарда тутилмоқда.

Ахборотдан фойдаланувчи бевосита ҳамда ўз қонуний вакили орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг фаолияти тўғрисидаги оғзаки, ёзма ёки электрон шаклдаги сўров билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда. Бунда ахборотдан фойдаланувчининг сўрови рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирилмаган муддат ичида, оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг интервью беришларини ташкил қилиш тўғрисидаги сўрови етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилиши лозимлиги белгиланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва ҳаётга жорий этилиши мамлакатимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида фикрлар хилма-хиллиги принципига амал қилган ҳолда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, амалга оширилаётган ислоҳотлар, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг шаффофлигини тўлиқ таъминлаш имконини яратади. Шу билан бирга, фуқаролар ва жамоатчиликни давлат органларининг фаолияти ҳақида хабардор қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тегишли бўлган қарорларининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлайди, давлат органлари томонидан тарқатиладиган расмий ахборотдан ҳамма тенг фойдалана олишига етарли ҳуқуқий кафолатлар яратади, давлат ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари, медиа-тузилмалари фаолиятининг фаоллашишига кўмаклашади. Яъни, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида объектив, тезкор, холис, ҳаққоний ва янада тўлиқ хабардор қилиш ҳамда бу органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари кенгаяди, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали турли медиа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш йўли билан жамоатчилик онгида мамлакатда турли соҳаларда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисидаги ижобий тасаввурлар ва объектив фикрлар шаклланади.

**— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги Фармойишига асосан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари негизида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш белгиланди. Бу мамлакатимиз қонун ижодкорлиги жараёнида ўзига хос янги қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.**

— Жорий йил якунига қадар давом этиши мўлжалланган мазкур жараёндан кўзланган мақсад сўз ва ахборот эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлигини таъминлаш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор этишда оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишдан иборатдир.

Фармойишга кўра, ҳуқуқий экспериментнинг асосий вазифалари этиб:

- қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, шаффофлигини, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли (ахборотдан фойдаланувчилар) кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган қоидалари самарадорлигини аниқлаш, бу қоидаларга амалий жиҳатдан ишлов бериш;

- қонун лойиҳасининг қоидаларини, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви субъектларининг, шунингдек ушбу субъектлар фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи нормаларни такомиллаштириш, уларни амалга оширишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- қонун лойиҳаси нормалари амалга оширилишининг давлат бошқаруви тизими барқарор фаолият юритишига, бу соҳадаги ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўрсатиши мумкин бўлган таъсири оқибатларини баҳолаш белгиланган.

**— Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳуқуқий экспериментларни ўтказиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг муҳим, замонавий усулларидан ҳисобланади. Бугунги кунда бу усул халқаро амалиётда кенг ва атрофлича, турли кўриниш ва шаклларда қўлланилмоқда.**

— Дарҳақиқат, ҳуқуқий экспериментдан фойдаланиш ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари ҳуқуқий нормаларининг ҳаётийлигини таъминлаш юзасидан жамият ва давлат қурилишининг ҳақиқий амалиётига узвий боғлиқ бўлган илмий асосланган тавсияларни олишга хизмат қилади. Шунингдек, ҳуқуқий экспериментларни ўтказиш миллий қонун ижодкорлиги жараёнини демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий экспериментнинг самарадорлиги, ўз ўрнида, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ва маромига етказиш, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олиб бораётган фаолиятдан фуқароларнинг хабардорлигини ошириш, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

**— Шу ўринда қонун лойиҳасини ҳуқуқий тажрибадан ўтказишнинг амалий самаралари хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Қонун лойиҳасини ҳуқуқий тажрибадан ўтказиш жараёнида Бухоро вилоятида 88 та, Самарқанд вилоятида 91 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қатнашаётган бўлса, улар билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ахборот олишдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент доирасида Бухоро вилоятида 40 га яқин давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари очилган бўлса, Самарқанд вилоятида эксперимент субъектларининг 33 тасида веб-сайтлар дизайни қайта кўриб чиқилиб, 14 таси янгиланди.

Ўтган 3 ой мобайнида Бухоро вилоятида 1200 та, Самарқанд вилоятида 1500 дан ортиқ ахборот сўровлари келиб тушган ҳамда уларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилган. Сўровлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг 24 фоизи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тўғрисидаги умумий ахборот, 12 фоизи қилинган мурожаатлар билан олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот, 11 фоизи ушбу органлар фаолиятига оид статистик маълумотлар, 10 фоизи эса уларнинг норматив-ҳуқуқий ижодкорлигига оид ахборот олиш юзасидан йўлланган.

Ҳуқуқий эксперимент бошланган кундан буён мазкур мавзу бўйича оммавий ахборот воситаларида жами 700 дан ортиқ, шу жумладан, радио ва телевидениеда 349 та, босма нашрларда 285 та ва Интернет ресурслари орқали 93 та чиқиш қилинди. Шунингдек, ҳар бир киши ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш жараёнлари билан танишиб бориши, қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этиши, оммавий ахборот воситалари вакиллари тажриба субъектлари фаолияти хусусида маълумот қилишларини таъминлаш мақсадида махсус веб-сайт (www/legal.experement.uz) фаолияти йўлга қўйилди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг жойларда ҳуқуқий тажрибадан ўтказилаётгани бир қатор халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертлар томонидан қонун ижодкорлигининг замонавий усулларидан бири сифатида юқори баҳоланаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Зеро, мамлакатимизда илғор демократик давлат барпо этиш, ижтимоий ҳаётимизни демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига очиқлик, ошкоралик бериш орқали улар ишининг самарадорлигини ошириш, фуқаролар ҳаётига дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, пировардида, ушбу қонун лойиҳасига аниқ, асосли таклиф ва тавсиялар олишда мазкур ҳуқуқий тажриба беқиёс аҳамият касб этади.

**“Milliy tiklanish” мухбири**
**Камолиддин ҲОТАМОВ**
**суҳбатлашди**

**Хроника**

# ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР

## тарғибот тадбирларининг бош мавзусига айланди

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

***ЎзМТДП Пискент туман Кенгаши томонидан “Мустақил юрт ёшлари — келажагимиз таянчи” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, ёшлар иштирок этди.***

— Истиқлолнинг илк йиллариданоқ ёш авлоднинг барча орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди, - дейди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси А.Чимирзаев. — Зеро, ёшлар Ўзбекистонимизнинг ишончи, таянчи ва келажаги ҳисобланади. Ёш авлод вакиллари давлатимиз томонидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ва яратилаётган имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз билим ҳамда кўникмаларини оширишлари, юрт равнақига ҳисса қўшишига интилишлари лозим. Бугунги тадбир ҳам ёшларда ташаббускорликни ошириш, уларни мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Тадбирда ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиши, жамият ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини топиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

### СИРДАРЁ

***Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, кўп асрлик қадрият, анъана ҳамда урф-одатларни сақлаш, уларни келажак авлодларга бекаму кўст етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан саналади.***

Бу борада партия ташкилотларида қатор давра суҳбати, тадбир, кўрик-танловлар мунтазам ташкил этилмоқда. Партия Ширин шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган “Аждодлар мероси — бебаҳо бойлик” мавзусидаги тадбир ҳам ана шундай мақсадлар рўёбига қаратилди. Унда партия шаҳар Кенгаши ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

— Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий-маданий меросимиз истиқлол туфайли қайта тикланди, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси У.Норматов — Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб улуғ боболаримизнинг таваллуд саналари кенг нишонланиб, уларнинг мероси ўрганилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар онгида миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини янада шакллантириш, буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий, маданий меросни теран англаш, ўрганиш ва ривожлантириш баркамол авлод тарбияси учун муҳим омиллар эканлигини таъкидлади.

### НАМАНГАН

***ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси “Аёллар қаноти”, партия шаҳар Кенгаши ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан “Мустақиллик — бахт ва фаровонлигимиз асосидир” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

Унда партия вилоят, шаҳар Кенгаши фаоллари, “Аёллар қаноти” етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Халқимизнинг энг азиз байрамларидан бири истиқлолимизнинг 22 йиллигини нишонлашга ҳам саноқли кунлар қолди, - деди тадбирда сўзга чиққан партия шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Абдуллаев. - Бу қутлуғ байрам мамлакатимиз бўйлаб “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон” деган эзгу шиор остида тантана қилинаётир. Бу қалбимизга чексиз фахру-ифтихор, ғурур бахш этади. Мана шу шукуҳли дамларда ҳар биримиз мустақилликнинг буюк неъмат эканлиги, истиқлолимизнинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу шууримиздаги оламшумул ўзгаришларнинг асоси бўлганини янада теранроқ англаймиз.

Эътироф этилганидек, мустақиллигимизнинг ҳар бир йили Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намоёни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана қилиб келинмоқда.

Давра суҳбати якунида ёш ижодкор рассомлар томонидан байрам муносабати билан “Расмларда Ватан тарихи” мавзусида миллий қадриятларимиз акс этган фотокўргазма, амалий ва миллий санъат намуналари намойиш этилди.

### ХОРАЗМ

***ЎзМТДП Урганч туман Кенгаши томонидан “ЎзМТДП фаолиятини кучайтиришда хотин-қизлар фаоллигини ошириш” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, ҳудуддаги оилавий тадбиркор, ҳунарманд ва касаначилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш партия дастурий мақсадларидан бири саналади. Мазкур тадбирда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш билан бир қаторда уларнинг тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб бораётган ишлари хусусида ҳам сўз борди. Тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ш.Ҳусаинов, жумладан, шундай деди:

— Хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак эътибор боис, бугун юртимизнинг барча жабҳаларида фаолият юритаётган иқтидорли ва шижоатли аёлларимиз меҳнати муносиб баҳоланмоқда. Шуни эътироф этиш керакки, миллий ҳунармандчилик ҳамда оилавий тадбиркорликка кенг йўл очилиб, ушбу йўналишларда фаолият олиб бораётган ёхуд энди фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Мазкур жараёнларда ЎзМТДП ҳам дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи хотин-қизларга имтиёзли микрокредитлар ажратиш ҳамда улар фаолиятини моддий, маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларда фаол иштирок этишга интилмоқда.

Тадбирда қадриятларимиз давомчилари саналган ҳунарманд ва касаначи хотин-қизларнинг ижодий ишлари кўргазмаси намойиш этилди.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

**“Мен нечун севаман, Ўзбекистонни” танловига**

# Мустақиллик нашидаси

## ёш авлод қалбида келажакка ишонч туйғусини уйғотмоқда

***Мустақил тараққиёт йилларида юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, бой тарихий меросимизни ўрганиш имкони яратилди. Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон 170 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқа ўрнатган.***

Мустақиллик, айниқса, аҳолининг 60 фоизга яқинини ташкил этадиган ёшлар ҳаётида туб бурилиш ясаб, улар учун улкан имкониятлар эшигини очди. Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънан юксак, жисмонан бақувват бўлиб камол топиши, жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши учун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада ёшларнинг онгу тафаккури юксалиб, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашга қизиқиши, ўз истеъдодини намоён қилишга бўлган иштиёқи ортмоқда. Иқтидорли ёшлар турли соҳаларда ўз маҳоратларини намойиш қилиб, юксак чўққиларни эгаллашмоқда.

МДҲ давлатлари орасида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб 1992 йил 14 январда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Қолаверса, 2002 йил 24 октябрда Президентимиз Фармони билан “Болалар спортини ривожлантириш” жамғармаси тузилди. Уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларини ўтказиш йўлга қўйилди. Айниқса, қишлоқ ва овулларда яшовчи йигит-қизларни оммавий спортга жалб этиш, спорт иншоотлари барпо этиш, юқори малакали мураббийларни жалб этиш, турли спорт турлари бўйича тўгараклар ташкил қилиш йўлга қўйилди. Натижада ёшлар Олимпиада ўйинлари, жаҳон биринчиликлари ва Осиё чемпионатларида иштирок этиб, юқори натижаларни қўлга киритаётир. Ҳозирда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш бўйича жаҳонда 7 ўринни эгаллаши ҳам кенг кўламли ислоҳотлар натижасидир. Спортнинг мамлакат тараққиёти ва баркамол авлод саломатлигидаги ўрни ҳақида гап кетар экан, Президентимизнинг қуйидаги эътирофини келтиришни жоиз топдик: “Мухтасар айтганда, спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар. Чунки спорт — соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.”

Мустақиллик туфайли маданий-маънавий соҳаларда ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз қайта тикланди. Ёшларда миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантириш борасида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Истиқлол берган бу каби имконият ва буюк неъматларни асраб-авайлашимиз, аждодлар меросини кейинги авлодларга тўла тўкис етказишимиз лозим. Зеро, бу заминда улкан кучқудратга эга, ўз билим салоҳияти билан дунё цивилизациясига тамал тошини қўйган буюк олиму фузалолар, алломаю донишмандлар, жасур саркардалар туғилиб ўсган. Уларга муносиб фарзанд бўлиш учун астойдил ҳаракат қилишимиз даркор.

**Нигора МУҲИТДИНОВА,**
**ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси**

**Ташаббус ва натижа**



# ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси

## билан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши сессиясида электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган қарор қабул қилинишига эришилди

***ЎзМТДП дастурий мақсадларига мос, электорат манфаатларини ифода этувчи масалаларни маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига киритиш ва қарор қабул қилинишига эришиш партия депутатлик бирлашмалари олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан вилоят Кенгаши сессиясига “Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш” масаласи киритилди.***

Йиғилишда маъруза қилган депутатлик гуруҳи раҳбари Бобур Зияев ҳудудда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг аҳамияти ва бу борада партия дастурий мақсад-вазифаларига алоҳида тўхталди:

— Она диёримизда азалдан миллий ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари кенг тарқалиб, равнақ топиб келган. Мустақил тараққиёт йилларида мазкур соҳага бўлган эътибор янада кучайиб, уста-ҳунармандлар фаолияти қўллаб-қувватланмоқда. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам ўз сайловолди Платформасида белгиланган миллий ҳунармандчилик турларини, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган “устоз-шогирд” анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратилишига кўмаклашиб келмоқда.

Депутатлик гуруҳимиз томонидан сессияга мазкур масалани олиб киришдан олдин вилоятда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, соҳанинг ҳудуддаги аҳволи батафсил ўрганиб чиқилди. Эътироф этиш жоизки, соҳада эришилаётган натижалар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Жумладан, миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик фаолияти Андижон шаҳри, Хонобод, Марҳамат туманларида анча яхши йўлга қўйилган. Яъни қадриятларимиз давомчиларини қўллаб-қувватлаш ва уларга янада кенг шароитлар яратиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Хонобод туман ҳокимлиги кўмагида тумандаги уста-ҳунарманд ва оилавий тадбиркорларга 8 та дастгоҳ олиб берилган ва натижада 10 та янги иш ўрни яратилди. Аммо ҳамма туманларда миллий ҳунармандчилик ривожи учун етарли шарт-шароитлар яратилган эмас. Масалан, Балиқчи, Избоскан, Улуғнор, Бўз ва Олтинкўл туманларида “Ҳунарманд” уюшмаси фаолияти ҳам, соҳани ривожлантиришга бўлган эътибор ҳам талаб даражасида деб бўлмайди. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, депутатлик гуруҳимиз томонидан вилоятда ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича киритган ташаббус-масала соҳа тараққиётига эришишда айни муддао бўлади.

Дарҳақиқат, Андижон вилоятида азалдан миллий қўғирчоқлар ясаш, каштачилик, дўппидўзлик, чопончилик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик сингари ҳунармандчилик турлари кенг тарқалган. Истиқлол берган имкониятлар туфайли бугун миллий ҳунармандчилик соҳаси бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғига айланди. Бугунги кунда “Ҳунарманд” уюшмаси Андижон вилоят бўлими ҳудудидаги 1681 нафар ҳунармандни бирлаштирган. Уларнинг 51 нафари уюшма қошида ташкил этилган ижодий гуруҳ аъзолари ҳисобланади. Мазкур гуруҳ вакиллари ўз ижод маҳсуллари билан юртимиз ва халқаро миқёсда ўтказиладиган кўргазмаларда иштирок этиб, юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда.

Сессияда сўзга чиққанлар вилоятда “устоз-шогирд” анъаналарини кенг йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, ҳудуддаги мавжуд «устоз-шогирд» мактаблари фаолиятини янада кенгайтириш, ёшларни миллий ҳунармандчилик соҳасига жалб этиш, иқтидорли ва маҳоратли ёш ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар ўртага ташланди.

— Депутатлик гуруҳимизнинг мазкур ташаббуси вилоятимизда миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш, ҳунарманд ёшларни қўллаб-қувватлаш, тижорат банклари томонидан уларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши, ёшларнинг ҳунармандчилик тарихини чуқурроқ ўрганиши учун қулай шароитлар яратиш, “устоз-шогирд” анъаналарини давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади, - деди халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси Абдураҳмон Исоқов. — Қабул қилинган қарор ижросининг таъминланиши эса бозорларимиз миллий маҳсулотлар билан бойиши, партия электорати бўлган ҳунармандлар манфаатлари таъминланиб, ҳунармандчилик турларини кенг ривожлантиришга хизмат қилади. Ёш ҳунармандлар маҳоратини ошириш мақсадида ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда зардўзлик, каштачилик сингари тўгараклар ташкил этилиб, кам таъминланган оила фарзандлари учун миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатиш йўлга қўйилган эди. Бу каби саъй-ҳаракатларимизни янада кенгайтиришда мазкур қарор муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтган сессия якунида ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ташаббус-масаласи маъқулланиб, қарор қабул қилинди. Вилоятда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар белгилаб олинди.

***Биродар ЮСУПОВ,***
***халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси:***

— Таъкидлаш жоизки, депутатлик гуруҳимиз томонидан қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш юзасидан амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида депутатлик гуруҳимиз томонидан 456 та янги иш ўрни яратилишига кўмаклашилди. Хусусан, депутат Абдураҳмон Исоқов ташаббуси билан оилавий тадбиркор Муҳаммад Султоновга “Микрокредитбанк”дан 15 млн, Муроджон Исақовга 200 млн. сўм, “Агробанк”дан “Тошкони” унитар корхонасига янги техника сотиб олиш учун 66 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилишига эришилди. Шунингдек, депутат туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган “Тошкони” унитар корхонасига ишга қабул қилиш мақсадида Булоқбоши иқтисодиёт ва касб-ҳунар коллежининг 15 нафар битирувчиси билан шартнома имзолади. Бу саъй-ҳаракатларимиз ЎзМТДП дастурий мақсадларини амалга ошириш ва сессияда қабул қилинган қарор ижросини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Комилжон ОТАХОНОВ,**
**ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси**

**Тарғибот**

# МУСТАҚИЛЛИК — БУ, АВВАЛО, ҲУҚУҚ ДЕМАК

## ҳудудий партия ташкилотларида истиқлол берган имкониятлар тарғиб қилинмоқда

***Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан марказда ва жойларда мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори остида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.***

Партия Наманган вилоят ҳамда Янгиқўрғон туман Кенгаши ҳамкорлигида “Мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқдир” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Ундан кўзланган мақсад, халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда ёшларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашишдан иборат бўлди.

— Истиқлол йилларида юртимизда янгича ҳаёт, янги жамият барпо этилди, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Янгиқўрғон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Мусохон Пайзиддинов. — Бунинг инъикоси шаҳару қишлоқларимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги ва ёш авлоднинг бахту саодатида яққол намоён бўлмоқда. Эътироф этиш жоизки, кўп асрлик анъана ва урф-одатларни тиклаш ва ривожлантириш, юксак маънавиятли, ахлоқли, эркин, масъулиятли, комил инсонни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларда Ватанимизнинг ўтмишига чуқур ҳурмат, келажагига бўлган юксак ишонч туйғуларини мустаҳкамлаш олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади.

Давра суҳбати иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар негизида “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун” эканлиги, унинг замирида юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш каби эзгу мақсад мужассамлигини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда партия Наманган вилоят ва Янгиқўрғон туман Кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

* * *

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, уларни келажак авлодга бусбутун етказиш борасида эришилаётган ютуқларни тарғиб қилишга қаратилган яна бир тадбир Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қўрғонтепа туман Кенгаши томонидан ташкил этилди. “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” мавзусида ўтказилган давра суҳбатида партия туман Кенгаши аъзолари, “Ёшлар қаноти”, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар қатнашдилар.

Тадбирни ЎзМТДП Қўрғонтепа туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Муҳайёхон Зайнобиддинова кириш сўзи билан очиб, қуйидагиларга тўхталиб ўтди:

— Маълумки, ҳеч бир жамият одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларини мустаҳкамламай туриб чин маънода ўз истиқболига эриша олмайди. Шу нуқтаи назардан юртимизда мустақилликнинг илк кунларидан жамиятнинг асосий кучи ҳисобланган ёшларимизнинг маънавий етук, билимли ва баркамол авлод сифатида камол топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун улуғ мақсадларни олдимизга қўйиб яшаётган эканмиз, истиқлолнинг қадрига етишимиз, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, уни асраб-авайлаш, эришаётган ютуқларимизни янада кўпайтириш учун бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз лозим, - деди нотиқ.

Тадбирда бугунги тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш зарурлиги, шу билан биргаликда доимо ҳушёр ва сергак бўлиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, мустақиллик байрамини юқори савияда ўтказиш борасида партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**К.ҲОТАМОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

# Атласларда мужассам ҳаё

## партия Хоразм вилоят Кенгаши миллий либослар тарғиботига алоҳида эътибор қаратмоқда

***ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси “Атласларда мужассам ҳаё” мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, ҳудуддаги оилавий тадбиркор, ҳунарманд ва касаначилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.***

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутат С.Эржонова халқимизнинг бой тарихий меросини асраб-авайлаш, миллий қадрият ҳамда урф-одатларимизни тиклаш ва ривожлантириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбек миллий матолари — адрас, атлас, шойи ва улардан тикилган либослардаги бетакрор ранглар, нақшлар уйғунлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Соф ипак ва табиий бўёқлардан тайёрланган матолар неча минг йиллардан бери дунёни лол қолдириб келмоқда. Юртимизда ҳунармандчилик қадимдан ривожланган бўлиб, бугунги кунда ҳам ёшларимиз каштачилик, кулолчилик, наққошлик каби ҳунармандчиликнинг турли йўналишларида ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Турли кўргазмалар орқали ўзларининг ижодий ишларини намойиш этмоқдалар.

Тадбир доирасида ёш ҳунармандлар кўргазмаси намойиши ҳам бўлиб ўтди. Ижодий ишлар намойишида ёғоч ўймакорлиги, тошторошликнинг миллий ҳунармандчилигимиздаги алоҳида ўрни яна бир бор ўз тасдиғини топди. Миллий либослар намойишида эса иштирокчилар ижодий ишлари билан биргаликда ўзбек миллий либосларининг тарихи, қадимдан шаклланган анъаналари, бугуни ва истиқболи ҳақида ҳам маълумот бериб ўтдилар.

— Момоларимиздан мерос — каштачилик ва попопчилик бугун санъат даражасига кўтарилди, десак хато бўлмайди, - дейди тадбир қатнашчиси партия вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси Н.Нуриллаева. — Мазкур тадбирда иштирокчиларнинг ижодий ишларини кўриб, инсон қўли билан ана шундай санъат асарлари яратилганидан ҳайратланмасликнинг иложи йўқлигига амин бўлдик. Ўрни келганда айтиш жоизки, бугунги глобаллашув жараёнида миллийлигимизни асраш, уни янада юксалтиришда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс. Бизнинг галдаги вазифамиз бу каби давра суҳбатларини туманларда ҳам ўтказиш орқали миллий маънавиятимиз равнақига озгина бўлсада ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат. Шу маънода биз партия фаоллари ҳафтада бир марта “Миллий либослар куни”ни ўтказишни режалаштиряпмиз.

Тадбир сўнггида энг яхши ижодий иш номинациялари бўйича ёш ҳунармандларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Тўмарис БУТУНБАЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

**Таҳлил ва таққос**

# Электорат манфаати

## ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятида қай даражада акс этмоқда?

***Бугун юртимизда сиёсий партияларнинг эркин фаолият олиб боришлари, ўз мақсад-муддаолари, ғояларини аҳолининг турли қатламлари орасида кенг тарғиб этиб, хайрихоҳлари сафини кенгайтиришлари учун мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилиб, тобора такомиллашиб бормоқда.***

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламлари орасида партиямиз нуфузини янада ошириш, жамоатчилик ичига кириб бориш, ўз дастурий мақсад-муддаоларини кенг тарғиб этиш, электорат ҳуқуқ ва манфаатларини фаол ҳимоя қилишга интилмоқда.

Партиямиз миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қадриятларимизни тиклаш, ўзликни англаш ва мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида азалий ва замонавий анъаналарни қарор топтириш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириб, сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш ва самарадорлигини кучайтириш тарафдори. Ушбу мақсадларни амалга оширишда ЎзМТДП, энг аввало, аъзолари, хайрихоҳлари ва тарафдорларига таянади. Демак, олдимизда қилиниши зарур бўлган ишлар талайгина, буларнинг барчаси ҳар бир партия аъзосидан алоҳида фаоллик талаб этади. Мазкур жараёнда, шубҳасиз, ҳудудий партия ташкилотлари ҳаракатлантирувчи куч саналиб, ЎзМТДПнинг жойлардаги асосий таянчи ҳисобланади. Партиямиз асосий эътиборини мана шу бўғинлар фаолиятини ривожлантириш орқали аниқ натижаларга эришишга қаратар экан, ҳудудий партия ташкилотлари бу талабларга қай даражада жавоб беряпти? Ўзларига билдирилган ишончни оқлаяптими?

ЎзМТДП Тошкент шаҳар партия ташкилотлари томонидан бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, партиянинг Олмазор туман Кенгашида партия ғояларини кенг тарғиб қилиш, хайрихоҳларни кўпайтириш борасида ўзига хос тажриба тўпланган, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, 2012 йилда мингдан ортиқ партия тарафдорларини бирлаштирган 10 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда ЎзМТДП аъзолари 1400 нафардан ошди. Қуйи бўғинлар сони 35 тага етди.

Ҳудудий партия ташкилоти томонидан тадбирларни юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни сон орқасидан қувиш амалиётига барҳам берилиб, тадбирнинг сифат ва таъсирчанлиги асосий мезонга айланмоқда. Энг муҳими, тадбирларда ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва электорат манфаатлари етакчи ўринга кўтарилган. Ўтган йил давомида 80 та тарғибот тадбири ўтказилган. Тарғибот тадбирлари ташкил этишда унинг мазмуни, мавзуси, форматини мунтазам равишда янгилаб бориш, янги усул ва технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан “Сиёсий партияларнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни ва роли”, “Озод юртнинг обод гўшаси” ёшлар акцияси, “Аёллар қаноти” ташаббуси билан туман хотин-қизлар қўмитаси ва тумандаги оилавий поликлиникалар ҳамкорлигида “Хотин-қизлар сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни” каби мавзуларда 40 га яқин тадбир ташкил этилди.

— Бошланғич партия ташкилотлари ўз номи, кучи ва салоҳияти жиҳатдан бош таянч деган мақомга эга, - дейди ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Мансур Юнусов. — Чунки, унинг сафи айнан кенг жамоатчилик орасида, маҳалла, қишлоқ, корхона ва ташкилотлар жамоаларида шаклланади. Бу эса партиямиз дастурий мақсадларининг чекка-чекка ҳудудларгача кириб бориши, аҳолининг барча қатламларини қамраб олинишига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан фаолиятимизда қуйи бўғинлар ишини бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. “Талабалар поликлиникаси”, “Себзор-ниҳол” номли бошланғич партия ташкилотлари энг фаол ва намунали ҳисобланади. Улар сафидаги иқтидорли ёшлар ўз лойиҳалари билан тадбирлар самарадорлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келишмоқда.

Маълумки, сиёсий партиянинг бутун иш фаолияти пировард натижаси электорат манфаатларига нечоғлик хизмат қилганлиги билан ўлчанади. Партия ижтимоий қатламига янада яқин бўлиш, изчил ва мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш мақсадида ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши қатор давлат ва нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари, жумладан, Адлия вазирлигининг “Адолат” нашриёти, “Янги аср авлоди” нашриёт матбаа маркази, “Муҳаммад Юсуф” адабий-ижтимоий фонди, “Олтин қалам” газетаси, “ZiyoNET” интернет тармоғи, Олмазор туман маънавият тарғиботи бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур тажриба партия ғоялари тарғиб ва ташвиқи, дастурий мақсадларни бажариш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, партия ижтимоий қатламига мансуб аҳолини қандай масала-муаммолар ўйлантираётганини яқиндан ҳис этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айрим туман партия ташкилотларида электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббуслар билан чиқиш, тарғибот тадбирлари ташкил этиш, бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини кучайтириш орқали кенг жамоатчилик ичига кириб бориш каби долзарб масалаларда масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Хусусан, ЎзМТДП Бектемир туман Кенгаши фаолиятига эътибор қаратсак. Партия Марказий Кенгаши Пленумида айтиб ўтилганидек, Бектемир туман партия ташкилоти томонидан 2012 йилда тадбир ташкил қилишда сусткашликка йўл қўйишган. Мана шу рақамнинг ўзиёқ туман кенгаши фаолияти қай даражада эканлигини яққол ифодалайди. Маълумки, одамларни қизиқтираётган мавзулар, ўйлантираётган муаммолар акс этган маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий мавзулардаги тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари орқали жамоатчилик ишончи ва эътиборини қозониш мумкин. Уларда партия дастурий ғоя ва вазифалари, мақсадлари тарғибот-ташвиқотига алоҳида урғу бериш самарали натижага олиб келади. Жорий йилнинг ўтган даврида партия Бектемир туман Кенгаши томонидан 30 га яқин тадбир ўтказилган. Яъни сон жиҳатидан ўсган. Аммо тадбирларнинг самарадорлигини, таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратилмаяпти.

Туманда бошланғич партия ташкилотларини кўпайтириш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Гарчи, жорий йилнинг 6 ойида тумандаги ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари кучайтирилиб 10 та янги бошланғич партия ташкилоти тузилган бўлса-да, улар ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган ташаббуслар билан чиқишда сусткашликка йўл қўйишмоқда.

Мухтасар айтганда, партиянинг сайловчилар орасидаги обрўи, танилиши, ишончга сазовор бўлишининг ягона йўли амалий ишлардир. Бунинг учун эса фақат тинимсиз меҳнат, изланиш, интилиш, ташаббускорлик зарур бўлади. Бундай натижага эришиш эса олдимизда турган муҳим синов — сайловларда муваффақият қозонишни таъминлайди.

**Гулноза МУСТАФОЕВА,**
**ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси**
**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

**«Ватан учун яшайлик!» танловига**



# Ўймакор устанинг олтин калити

**(Давоми.
Боши ўтган сонда)**

— Сизга илҳом онлари қачон келади? - сўрайман ундан. Ўзим ижодкорман-ку!

— Бу онлар мени узоқ кутдириб қўймайди десам, муболаға эмас. Чунки мен ҳар ишимга берилиб киришаман. Кечқурун уйқуга кетишдан олдин эртанги қиладиган ишимнинг тархини қоғозга тушираман. Эрталаб уйғонганимда, албатта, унинг қаеридир ёқмайди. Таҳрир қилишга киришаман. Бундай "таҳрир" паллалари кун давомида бир-икки марта такрорланади. Мулоҳаза қилиб кўрсам, ушбу дақиқаларда фикр тиниқлашиб, диққат бир нуқтага жамланар экан. Ижодкор одам ўзидаги мана шу сониялар қачон содир бўлишини яхши билиб олиши керак. Шунда ўз-ўзингга талабчанликни унутиб қўймайсан.

Яна сизга айтсам, мен мумтоз қўшиқлар, ёқимли мусиқа овозлари остида ишлашга ўрганганман. Устахонага кириб келишим билан йигитларга "Машъал"ни қўйиб қўйинглар, "Машъал"ни, дейман. Мумтоз қўшиқларни тингласам, вужуд-вужудим яйрайди, кўнглим юксалади, ишим унади...

— Сизнинг соҳангиздан йироқ одам сифатида шуни билмоқчийдим, иш учун қандай ёғочларни танлайсизлар? Уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

— Ёғочларни ишлатишда асосан иқлим шароитидан келиб чиқилади. Бизда ёнғоқ, қайрағоч, чинор, тут, арча, терак, ўрик каби дарахтларнинг энг яхши навлари ишлатилади. Аввало уларни қиш пайтида кесиш керак. Шунда улардаги нам ерга қайтган бўлади. Унга ишлов беришда қуёшга қараган томонига эътибор қаратилади. Хусусан, ёнғоқ дарахтлар орасида энг яхшиси ҳисобланади, гарчи ишлов бериш қийин бўлса ҳам. Унга битилган нақшлар товланиб кўринади ва кўзни қувнатади.

— Чинор-чи? У қандай дарахт?

— У ёнғоқдан кейин турадиган сифатли дарахт. Ундан ҳам қимматбаҳо мебеллар тайёрланади.Усталаримиз эндиликда бошқа ўлкалардан келтирилган шамшод, эман, қарағай дарахтлари тахталарини ҳам ишлатмоқдалар. Бу борада ҳушёрлик ва пухталик керак. Мен Малайзияга борганимда уларда доимий ишлатиладиган бук (қора қайин) дарахти ёғочидан бир парча келтиргандим. Унга ёз кунларида ишлов беришимга қарамасдан, тарс-тарс ёрилиб кетди. Иқлимимиз тўғри келмади. Мен у ёққа ёнғоқ тахтасидан бир бўлак олиб кетгандим, у чидаш берди.

— Хорижий мамлакатларга сафарларингиз давомида ҳайратга солган, яъни сиз кўриб "Воҳ!" деб юборган ишларни ҳам учратдингизми?

— Албатта, Индозезияда шундай бир асарни учратдим. Кўргазмани айланиб юргандим. Кўзим бир рамкадаги атиргулга тушди. У ўймакорлик билан шундай ишланган эдики, худди тирик гулнинг ўзи дейсиз! Баргларининг томиригача кўриниб турибди. Ва бу гул банди ёғочдан ишланган сим монанд ўрама(пружина) ичида эди. Унинг ичига гул банди қандоқ ўрнатилган, гул банди устига бу ёғоч ўрама қандоқ ишланган — ақлим етмай лол қолган эдим.

— Ўзингизда-чи? Мана буниси тамомила бошқача бўлди. Аввал бунақасини сира ишламагандим дейдиган даражадаги ишларингиз ҳам борми?

— Битта ўймакорлик асарим Ўзбекистон Рассомлар академияси кўргазмалар залининг биринчи қаватида турибди. Уни ҳали ҳеч ким ишламаган услубда яратганман. Яъни нақшлардаги гулбаргларга садаф ўрнатганман. Илгари ёғочларга садаф фақат мусиқа асбобларидагина ўрнатилган. Менинг бу ишим янгилик бўлди, чамамда. Кўпларнинг эътиборини тортди.



— Нақл қилишларича, полвонлар шогирдларига курашнинг барча сирларини ўргатишар экан. Лекин битта нозик сир бўларканки, уни ўзларида сақлаб қолишаркан. Бир полвон мен устозимнинг барча сирларини ўзлаштириб бўлдим, энди ҳамма билан курашга туша оламан, ҳатто устозимни ҳам йиқита оламан дейиш даражасига бориб етибди. Лекин устоз ўша сақлаб қўйган сири билан бу ношуд шогирдни курагини ерга ишқаган экан. Сиз ҳам, дейлик, шогирдингизга ўзингиздаги бор тажрибани, малакани ўргатдингиз, у ҳар жиҳатдан етилди. Лекин битта ноёб сирингиз борки, тилла сандиқчага солиб қўйгансиз, унинг тилла калити ёнингизда. Бу тилла калитни шогирдингизга тутқазасизми?..

- Йўқ, бу тилла калитни мен унга тутқазмайман. Чунки мен уни шу даражага етказдимки, у бу тилла калитни ўзи кашф этмоғи, ўзи яратмоғи керак. Бундай кашфиёт имкониятини унинг ўзига қўйиб берганим яхши...

— Агар сизнинг олдингизга бир йигитча келиб, мени ўймакорлик санъатига ўргатинг, деса, унда талант бор-йўқлигидан қатъий назар, ундан яхши уста чиқара оласизми?

— Йўқ. Мутлақо. Агар ёғочни кўрганда унинг юраги "жиз" этмаса, ундан уста чиқмайди ҳеч қачон.

— Ёш усталарга қандай насиҳат қилган бўлардингиз?

— Бизга устозимиз Ортиқ Файзуллаев шундай дердилар ҳамиша: агар ҳақиқий уста бўламан десаларингиз, сира пулнинг орқасидан қувманглар, пул сизларнинг ортингиздан қувсин. Бу нима деганим, агар сиз яхши ишлар яратиб қўйсангиз, ишқибозларингиз кўпаяди, ҳамма изингиздан юради, буюртмалар беришади. Пул сизни ортингиздан қувади деганим мана шу, дердилар...

Устозга — фахр, шогирдга ғурур ярашади. Агар бу борада кибр аралашса, ушбу икки хислат ҳам барбод бўлади. Оллои таолодан, биринчи душманинг ким деб сўрашганида кибр деб, жавоб берган экан. Кибр на фақат шахсга, балки миллатга ҳам завол етказади. Яхшиямки, бизнинг миллатимиз таги кўрган миллат. Тарихимизда юракдаги манманлик жунбишини пасайтирувчи мисоллар бисёр. Жумладан, Абдусаттор бин Қосим Лоҳурийнинг 1612 йили Агра шаҳрида битилган "Мажлиси Жаҳонгирий" тазкирасида шу борадаги ибратли суҳбатлар, буюк сиймолар камтаринлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг эвараси Жаҳонгир подшоҳниниг ота ватани Мавороуннаҳрни ўзи туғилиб ўсган Ҳиндистон билан бир хилда севгани, ота юрти тарихига қизиққани, ўзбек тилини яхши билгани ҳақида маълумотлар келтирилади. Яна шуниси диққатга сазоворки, Жаҳонгир шоҳ салтанат учун ўзбек тилини ўргатувчи махсус ўқитувчи ҳам ёллаган.

Навбатдаги мажлисда Жаҳонгир подшоҳ ўтирганларга қуйидагиларни айтиб берди, дейилади китобда: "Бир куни отам (Акбар шоҳ)га авлодимизда ўғил фарзанд кўрилгани хабари келади. Шунда фарзандга исм қўйиш ўйига тушадилар. Чақалоқ толесини кўрган мунажжимлар жадвалда бу вақтнинг бош ҳарфи "то" устига тўғри келгани учун боланинг исми Темур бўлишини маслаҳат берадилар. Бу гап қулоғимга етишгач, менга оғир ботди. Чунки бундай улуғвор исм менга ҳам, фарзандларимга ҳам қўйилмагани ҳолда масъулияти юксак бу номни ўғлимнинг ўғлига қўйиш эса ўта ўринсиз эди. Хуллас, саройга бориб бу фикримни отамга айтдим".

Жаҳонгир шоҳнинг бу ҳикоясидан кейин йиғин қатнашчиси Маҳобатхон: "Инсоф билан айтганда, бундай исм Сизга муносиб бўларди", дейди. Жаҳонгир шоҳ Маҳобатхоннинг бу гапини нотўғри деб билади ва: "Мен ҳали у ёқда турай, адолат ва инсоф билан айтганда, бу ном Бобур Мирзога ҳам Ҳумоюн подшоҳ ва Акбар подшоҳга ҳам етмайди. Бу исм қайси ҳукмдор шу пайтгача ҳеч ким қўлга кирита олмаган миқдорда юрт олса, ўшанга муносибдир. Ўзгага эса ҳаром", дейди.

Бу гапдан ҳамма қатори ҳайратга тушган йиғин қатнашчиларидан яна бири Диёнатхон Мавороуннаҳр ҳукмдори Абдуллоҳхон Иккинчининг ҳар гал Хуросон юришидан қайтиб, Самарқандга зиёрат учун борганда унинг учун ҳазрат соҳибқирон тахтгоҳлари пойида жой ҳозирлашлари, аммо бир гал Хуросондаги катта ғалабадан кейин давлат катталари ва қозилар бу қоидани бузиб, ўтириш палосини соҳибқирон тахтгоҳи устига тўшаганлари, буни кўрган Абдуллоҳхон Иккинчи эса уни тахт устидан тортиб олиб, "соҳибқирон янглиғ жаҳонгирнинг тахтига ўтиришга муносиб эмасмен", дейди. Ўшанда ўзбек улуғлари "Нега энди, Мавороуннаҳр сизники, мана Хуросонни ҳам тўла эгалладингиз, Сиз соҳибқирон тахтига ўтиришга лойиқсиз", дейишган. Хон эса яна ўша гапини такрор айтган. Аммо хушомадгўй олим ва амалдорларнинг анча далил келтириб қилган илтимосларидан кейин, тахтга жуда яқин ерда кигизини тўшатиб, аммо Амир Темур тахтига чиқиб эмас, балки тахтга суяниб ўтирган экан.

Хоннинг бундай хислати Жаҳонгир подшоҳга жуда маъқул келиб, "Улуғларни қадрлаш фақат улуғ кишиларга хосдир, бундай кишилар ўз ўрнини жуда яхши биладилар", дейди ва "Мен Самарқандда яшаётган бўлсайдим, ҳар куни ўша ерга бориб, соҳибқирон тахти пойини ўпган бўлардим. Худои Таоло АмирТемурга шундай мақомни ато этган экан, Бобур Мирзодан тортиб, ҳеч бир бобурийнинг бу тахт устига ўтиришга ҳаққи йўқдир. Агар Абдуллоҳхон ана шундай ҳурмат қоидасига риоя қилган экан, демак бу билан у ўзининг улуғворлик ва инсофлилик хислатини кўрсатган" қабилидаги сўзларни қўшиб қўяди.

Тарихдаги шундоқ буюк кишиларки камтаринликни, улуғларга ҳурмат-эҳтиромни умрларига шиор қилиб олган эканлар, бизлар бундан ўзимизга яраша хулоса чиқариб олмоғимиз, бундай мисоллар ҳикматини англамоғимиз керак. Йўқса, бугунги кунда пешволар курсисига, устозлар мақомига кўз тиккан "орзумандлар" озмунчами?!.

Мавзуга чуқурлашиб кетган бўлсам, узр!..

Мен Устани яна суҳбатга тортдим:

— Ҳаммамиз сезиб-билиб турибмиз - мамлакатимизда улуғ бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, халқимиз ҳаёти фаровонлашиб, турмушимиз обод бўлиб бормоқда. Муҳтарам Юртбошимизнинг "Ободлик кўнгилдан бошланади" деган сўзлари давримизда ўз инъикосини топаяпти. Бу, ўзгаришлар Истиқлол шарофати, мустақиллигимизнинг дадил одимлари туфайли, албатта. Авваллари одамларимиз ўз истиқомат жойларининг файзу безагига кўп ҳам эътибор беришмаган бўлсалар, эндиликда бу борада дидлар юксалди. Айтмоқчиманки, сизларнинг ишингизга эҳтиёж-талаб кучаймоқда. Бу борада ўзингиз нима дейсиз?

— Гапингизни мана бу сурат билан исботласам бўлади. Қаранг, мана шу ишни бир дўстим уйига ясаб бердим. Хона деворларидаги мана бу нақшинкор безакларни, ёнғоқдан тайёрланган мебелни, ўзига хос ишланган каравотни, зийнати қўшиқдай мафтункор курси, курсичаларни кўринг. Булар бари битта хонадон буюртмаси. Энди шуларнинг ўрнида пластмасса машина ясайдиган жиҳозларни тасаввур қилинг. Қайси бири кўркам, қайси бири афзал? Ҳозирги кунда аксарият эшиклар нақшлари машиналарда босим билан чекилади. Таркиби аён: пластмасса, қипиқ, қоғоз, елим ва шунга ўхшаш моддалар. Шак-шубҳасиз, хона ҳавосига улар ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Қўлда ишланган ашъёларга эса устанинг юрак меҳри кўчади. Шу боисдан улардан ажиб бир ҳарорат таралиб тургандек бўлади. Бир кўз ташлаганингизда унга яна бир қайрилиб боққингиз келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз вилоятларида, туманларида янги, миллийлаштирилган лойиҳадаги ниҳоятда кўркам уй-жойлар қурилмоқда. Ана шу уйларнинг айрим жиҳозу ашъёларига ўймакорлик ишларидан ҳам фойдаланилса ёмон бўлмасди. Машҳур устозимиз Уста Ширин Муродов "нақш кирган уйга ғам-андуҳ кирмайди» деб бежиз айтмаганлар.

— Энди сизга жиндак нозикроқ савол берсам кўнглингизга олмайсиз,уста.

— Бажонидил, хоҳлаган саволингизни бераверинг...

— Хўш, ўзингизнинг уйингизни қандай нақшу безаклар билан безагансиз? Бу саволни беришимга сабаб, бўзчи белбоққа ёлчимайди деган гап ҳам бор, элда...

Уста ҳижолатли алфозда жилмайди. Балки бу, халқ бежиз гапирмайди, деганидир. Ҳар қалай, кейин жавоб берди:

— Дарвозамизни ўймакор дарвозага алмаштирганмиз. Буни ўзим ясадим. Ўғлим эшикларни ўзгартираман, деяпти. Худо хоҳласа, у кираверишга нақшинкор айвон ясамоқчи... Ўзимизга ҳам қарамасак бўлмайди, албатта.

Мен ушбу саҳифани қоралаётиб ижодхонамдан ҳовлига тикиларканман кўзим ногоҳ рўпарамдаги икки қаватли айвонга тушди ва бир пайтлар хаёлимда тикланган кўшк жонланди. Мен икки қаватли иморатимни "П"ҳарфи шаклида қургандим. Лойиҳасини бошдан-охири ўзим тузганман. Лойиҳамга кўра, ҳозир ўтирган ижодхонам томон — евроуслубда, рўпарадаги қўшқаватли айвон эса шарқона — ўймакор устунлару кошинли шарафалар билан бунёд этилиши керак эди. Ижодхонам томонни ҳамма қураётган урфда бир амаллаб қурдим. Айвонни эса темир устунлару темир тўсинлардан кўтаришимга тўғри келди. Оҳ, агар уни кўнглимдагидай тиклай олганимдами, хонлар кошонаси янглиғ бу нафис кўшкда ҳарир пардалар эпкинларда тўлқинланиб турган бўларди!.. Ўша пайтда ё қўлим калталик қилган, ё ҳафсалам етмаган. Нима ҳам дейсиз, бир кам дунё бу! Сирасини олганда, бу орзум ҳам эмин-эркин ҳаётнинг мевасидир! Буни инкор қилиб бўлмайди. Зеро, ўтган асрнинг 80-йилларида бир таниқли олим далаҳовлисига болохона қурганлиги учун уни буздириб ҳам қутулмаганлиги, кейин каттакон газетада фельетон бўлганлиги ҳали биз зиёлиларнинг ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Агар ўша замонларда мен ҳозир айтганим ўша нақшинкор айвон қурганимдами, у ўтмишни қўмсаётибди дея бошимга кўп балоларни ёғдиришлари тайин эди!

Уста билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Мен унинг иқтидорли ёшлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирганидан мамнун бўлдим. Ҳозир юздан ортиқ шогирдим бор, дейди у. Дарвоқе, ҳозир у "Келажак овози" республика танловининг ҳайъат аъзоси. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида ёғоч ўймакорлиги санъатига кўнгил қўйган навраста истеъдодларни бу соҳада чинакам усталар қилиб етиштиришда ўз ҳиссасини қўшишга астойдил бел боғлаган.

Уста Сирожиддин Раҳматуллаев кўп йиллик меҳнат фаолияти ҳамда янги кўргазмадаги ажойиб ишлари учун яқинда Ўзбекистон Рассомлар академиясининг "Олтин медал"и билан тақдирланди. Унинг эртанги кунга режалаштирган ишлари бисёр, қалби илҳом ва ғайрат билан тўлиб-тошган. Шундай заҳматкаш инсонлар, ўз касбининг фидойилари бор экан, ҳаётимиз янада кўрк ва файз топиб боради. Ахир, ўзбекнинг ёғочдан ясалган нақшинкор ишлари дунёни ўзига ром қилиб турибди!

Жаҳонга машҳур шоир Евгений Евтушенко яқинда Ўзбекистон ҳақида ёзган мақоласида, мен бу диёр одамларининг меҳмондўстлигига тан бераман, усталарининг санъатига қойил қоламан. Менга тақдим этишган нақшинкор курси ва курсичаларни, дунёнинг қайси бурчагида яшамай, уларни ўзим билан олиб юраман, дея эътироф этганлиги бунга ёрқин мисолдир.

**Мирпўлат МИРЗО**

**Тарбия**

# Соғлом авлод камолоти

**унда мактаб ва оила муҳим ўрин тутади**

***Абу Али ибн Сино ота-она меҳнатсеварлиги ва яхши хулқи билан фарзандларига ибрат кўрсатиши, касб-ҳунарга ўргатиши борасида муҳим фикрларни баён этади. Ота оилада ўз фарзандларига юриш-туришда, нутқ одобида, сўз маданиятида, ўзаро муомала жараёнида, энг муҳими, амалда тўғрилик, ҳаққонийлик ва самимийликда намуна бўлмоғи керак.***

Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" асарида оила билан боғлиқ масалаларга катта эътибор қаратади. У эркакнинг уйланиш, оила қуришидан бошлаб, фарзанд тарбияси, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг зарурий вазифаларини бирма-бир баён этади. Ота-оналар назоратида бўлган боланинг масъулият ҳисси ривож топади. Шу сабабли ҳам бола тарбиясида ота-онанинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эга. Улар танлаган тўғри йўл фарзандларининг келажаги, камолоти учун ниҳоятда муҳимдир. Мирзо Улуғбекнинг қарашларида боланинг билим олишига бўлган қизиқиши, ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўрин эгаллаши таъкидланган. Оилада фарзанд дунёга келганидан сўнг ота-онанинг жамият олдидаги жавобгарлиги кундан-кунга ортиб боради. Чунки ўсиб келаётган авлоднинг тақдири ана шу масаланинг ҳал қилиниши билан чамбарчас боғлангандир. Абдурауф Фитратнинг "Оила" номли фалсафий асарида оилавий ҳаёт ислоҳоти борасида баҳс-мунозара юритилади. У оиланинг ижтимоий вазифаларини "Авлод тарбияси", "Фикрий тарбия", "Ахлоқий тарбия" каби қисмларга бўлади. Унинг фикрича, инсоннинг маънавий ва ақлий хислатларини асосан унинг олган тарбияси, яшаган муҳити белгилайди. Агар яхши тарбия инсоннинг энг қимматли бойлиги бўлса, нотўғри тарбия унинг учун чинакам бахтсизлик, ҳатто, ҳалокатдир.

Шунинг учун ҳам мактаб, ҳам оила тарбиясига катта аҳамият бериш зарур. Оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия мактаб учун катта мадад, аксинча, бу ҳол мактабнинг таълим-тарбия ишини қийинлаштириб қўяди. Оилада бола билан тарбиячи ўртасидаги жуда яқин ва самимий муносабат ўзининг табиийлиги, оддийлиги, мазмундорлиги, илиқлиги билан ажралиб туриши лозим. Оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги ёш авлодни муваффақиятли тарбиялашнинг асосий шартларидан биридир. Ота-она аҳамият бериши керак бўлган асосий вазифа — болани ёшлигидан бошлаб бирор-бир ишга ўргатиш, унга ўзига хос юмуш бериб, ишга одатлантиришдир. Бунда бола ҳам иш ўрганади, ҳам жамиятда, оилада ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Болада меҳнатга бўлган муносабат яхши бўлса, ота-онасига муносабати, оила аъзоларига нисбатан фикр-дунёқараши ўзгаради. Оиладаги ёмон тарбия нафақат оилага, балки қўни-қўшни, маҳалладаги муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

**Зофир МУРОДОВ,
Иштихон туманидаги Бахрил
қишлоқ хўжалик касб-ҳунар
коллежи директори**

**Қинғир ишнинг қийиғи...**

# ЭЛЕКТР ҚАРМОҚ

**унинг воситасида табиат ва ҳайвонот дунёсига
12 256 860 сўмлик моддий зарар келтирилди.**

Балиқ хушхўр ва нисбатан ноёб овқат турига киради. Лекин бир одам нари борса бир ўтиришда 300 ёки 400 грамм балиқ истеъмол қилиши мумкин. Тўрт-беш кишилик оила учун эса кўпи билан 2 кило, ўртача икки ёки уч дона балиқ кифоя қилади. Агар балиқни ҳар куни ёки кунора истеъмол қилиб бўлмаслиги инобатга олинса, аслида, балиқ овида баднафсликка ҳеч қандай ҳожат қолмайди. Гулистонлик Илҳом Парпиевнинг нафси ҳакалак отди, шекилли, оиласи ҳали ёш ва кичик бўлишига қарамасдан на оддий қармоқ, на тўрга қаноат қилмасдан тақиқланган ҳамда шафқатсиз усул бўлган электр қармоқ билан ов қилишни ихтиёр этди. 2013 йилнинг кеч қиши, аниқроғи 25 февраль куни Гулистон шаҳридан тунги соат тўққиз-ўнлар атрофида шахсий машинасида Сирдарё тумани Охунбобоев сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидан ўтадиган "Шўрўзак" каналига балиқ овлаш учун йўл олади. Электр қармоқнинг ёмон жиҳати шундан иборатки, қармоқ сувга солинганидан кейин муайян ҳудуддаги балиқлар электр зарбидан ёппасига ҳалок бўлади. Ўзи билан бирга резина қайиқ олган Илҳом Парпиев электр зарбидан ўлиб, сув юзига қалқиб чиқиб қолган балиқларни териб машинасига жойлай бошлайди. Шу пайтда ён-атрофни кузатиб юрган Сайхунобод тумани табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси вакиллари пайдо бўлиб қолиб, уни жиноят устида қўлга олишади.

Лекин, афсуски, Илҳом Парпиев қисқа муддат ичида жуда кўп балиқларга қирон келтириб, улгурганди. Текшириш жараёнида унинг машинасидан 57 дона (26 дона лаққа, 15 дона оққайроқ, 7 дона сазан, 2 дона қизилқанот, 1 дона олабўға, 6 дона товон) балиқ, 2 та аккумлятор, электр қармоқ ва резина қайиқ далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Илҳом Парпиев ўзининг ана шундай хатти-ҳаракатлари билан табиат ва ҳайвонот дунёсига 12 256 860 сўм миқдорида моддий зарар келтирди.

Ушбу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман суди Илҳом Парпиевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 57 ва 202- модда, 3 қисми, "г" бандини қўллаб, ҳар ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 20 фоиз ундириш шарти билан уч йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинлади. Ундан далилий ашё сифатида олиб қўйилган резина қайиқ, электр қармоқ, 2 дона аккумлятор қонунда белгиланган тартибда йўқ қилинди. Шафқатсиз усул билан овланган 57 дона балиқ Сирдарё вилоятидаги "Аёллар мурувват уйи"га топширилди. Табиатга ва ҳайвонот дунёсига келтирилган 12 256 860 сўмлик моддий зарарнинг 7 915000 сўми қопланди, суд қолган 4 341860 сўмини Сирдарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси фойдасига ундириш хусусида ҳукм чиқарди.

Халқимизда баднафслик қорин йиртар, деган нақл бор. Илҳом Парпиевнинг баднафслиги, ов қилишда ваҳшиёна усуллардан фойдалангани бошига ана шундай ташвиш ва надомат келтирди. Зеро, бу барчамиз учун сабоқ бўлмоғи даркор.

**Баҳодир ЭРМАТОВ,
Сирдарё тумани прокурори**

**Эълон**

**«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Сирдарё вилоят хокимлиги Молия бошқармасининг 2013 йил 29 июль кунидаги 01-03/331-сонли хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:

1. "НЕКСИЯ" ВДВВЗ русумли, д/б 12 АВ 020 бўлган, 2001 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят хокимлиги Молия бошқармасининг автогаражида сақланаётган носоз холдаги автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 6 325 332 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 10 сентябр куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан Сирдарё вилоят хокимлиги Молия бошқармасининг ишончли вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охирги муддати: Бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ "Турон" банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй I-қават, телефон: 235-03-58.**

*Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август*

Бизнинг шарҳ

# Мустақиллик олиб келган партия

**ёхуд Ҳиндистондаги 300 танинг олди, 10 танинг энг кучли сиёсий институти**



***Ҳиндистондаги йирик сиёсий партия бўлмиш — Ҳиндистон Миллий конгресси мамлакатга давлат мустақиллигини қўлга киритишида ҳал қилувчи рол ўйнаган бўлиб, партия вакиллари бундан доимо фахрланиб юради. Қолаверса, бу дунёдаги камдан-кам партияларга насиб этадиган натижадир.***

Ҳиндистон миллий конгресси (ҲМК) — Ҳиндистон сиёсий ҳаётидаги энг кучли, нуфузли ва тажрибали партиялардан бири. Мамлакатни мустақилликка эриштирган мазкур партия Ҳиндистонда сайловда иштирок этадиган 300 та партия орасида бутун Ҳиндистон миқёсида фаолият олиб борувчи 10 йирик партиянинг етакчисидир. Гарчи жуда кўп марта бўлинишларга учраб, янги партиялар юзага келган бўлса-да, ҲМК доимо бошқарувчи ролида қолган ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги жуда кўп ислоҳотлар, янгиланишлар айнан шу партия фаолияти билан боғлиқ.

Партия 1885 йилда ташкил этилган ва инглиз тизимида таълим олган, давлат аппарати ва қонунчилик органлари ишида ўз иштирокларини кенгайтиришни талаб қилиб чиққан ўрта синф вакиллари манфаатларини акс эттирган. Ана шу тарзда у мамлакатнинг илғор зиёлиларини бирлаштирган эди.

ҲМКнинг асосий дастури гандизм тамойилларига асосланади. Унга кўра: мустақиллик тинч йўл билан қўлга киритилиши керак; зўрликка йўл қўйилмайди; хўжаликнинг анъанавий ва табиий шакллари қўллаб-қувватланади; табақалараро тенгсизликка қарши курашиш ва бу масалада тинчликка эришиш шулар жумласидан.

Партия ўзининг махсус концепциясини эълон қилган. Унда шахсий мулкни сақлаб қолиш ва давлат секторини ривожлантиришда аҳолининг турли қатламлари ҳамкорлиги назарда тутилади. Шу билан бирга оилавий анъаналар, миллий ва ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масаласи ҳам партия илгари сураётган муҳим ғоялар қаторида саналади.

1907 йили партия бир неча ҳаракатларга бўлинган бўлса-да, 1920 йили Конгресс М.К.Ганди бошчилигида провинция ва туманларда кучли марказлашган ва ривожланган бўлимлар тармоғини яратдики, натижада у йирик оммавий партияга айланди ва ўз-ўзини бошқариш ва мустақиллик учун олиб борилган сиёсий кампанияларни амалга оширди. 1937 йилда ҲМК сайловларда ҳеч бир қийинчиликсиз ғалаба қозонди. 1939 йили эса "Ҳиндистондан кет!" шиори остида олиб борилган инглизларга қарши кампанияни ташкил этгани учун партиянинг кўплаб вакиллари ҳукуматдан четлаштирилди, партия етакчилари ҳибсга олинди. 1945-47 йилларда партия Буюк Британия билан Ҳиндистонга мустақиллик берилиши ҳақидаги музокараларни олиб борди. ҲМК мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг ҳам етакчилик ролини қўлдан бермади ва бош вазир Жавоҳарлал Неру бошчилигида ишонч билан ҳаракат қилди. Унинг вафотидан сўнг ички курашлар авж олди ва 1969 йилда партия иккита фракция бўлиниб кетди. Лекин И.Ганди уларни тез орада бирлаштиришга муваффақ бўлди.

1977 йилда пария Жанатапарти ("Халқ партияси")дан енгилади ва 1978 йилда Индира Ганди янги — Ҳиндистон миллий конгресси ёки ҲМК (И) партиясини ташкил қилади. Бу ердаги алоҳида ажратилан "И" ҳарфи "Индира" сўзини англатади. Шу йилнинг ўзидаёқ партия сайловларда ғалаба қозонади ва Индира Ганди бош вазирлик лавозимига қайта ўтиради. 1984 йил октябрида Ганди ўлдирилади ва ҲМК (И) партияси етакчилигига унинг ўғли Ражив Ганди сайланади. 1984-89 йилларда бош вазирлик қилган Ражив Ганди ҳам онасининг тақдирини такрорлайди. У 1991 йил майида террорчилар томонидан ўлдирилган.

Марҳумга ҳамдардлик ва сиёсий мухолифатнинг тарқоқлиги ҲМКга 1991 йилги сайловларда ғалаба қозониши учун замин яратди. Радживнинг беваси асли италиялик Соня таклиф этилган партия раҳбарлиги лавозимидан воз кечди. Натижада ҲМК раҳбари этиб Н.В.Нарасимха Рао сайланади ва у бир пайтнинг ўзида бош вазир лавозимига ҳам эга бўлади. Янги ҳукумат ҳинд иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва жамият қатламлари орасида тобора авж олиб бораётган зиддиятларни тўхтатишга ҳаракат қилди.

1990 йиллар бошида амалга оширилган туркум ислоҳотлар давлатнинг иқтисодий ролини тушуриб юборганди. Айодхья шаҳридаги масжидга ҳужум, Бомбей марказидаги тартибсизликлар каби диний асосга эга воқеалардан сўнг Марказий ҳукумат жамиятда, одамлар орасидаги хотиржамликни сақлаш учун қатор чораларни кўрди. Аммо бу борадаги саъй-ҳаракатлар, чора-тадбирларнинг етарлича натижа бермагани устига коррупция билан боғлиқ можаролар ҳам қўшилди. Коррупцияда айбланган вазирлар 1996 йил февраль ойида ҳукумат таркибидан чиқарилди. Апрель ва май ойларида ўтказилган сайловларда ҲМК Лок Сабхадаги 545 ўриндан бор-йўғи 136 ўринга эга бўлди. Ана шу тарзда партия нуфузи 1998 йилги сайловларга қадар тушиб борди. Шунга қарамай, собиқ бош вазир Ражив Гандининг беваси Сони Гандининг партия раҳбарлигига келгани ҲМК фаолиятида ижобий бурилишларга омил бўлди. Сони Ганди коррупцияга аралашган юқори лавозим эгаларини вазифасидан озод қилди ва Конгресс тизимида виждонлилик ва очиқликка чақирди.

Низомига кўра, партия демократия тамойилларига таяниб, Ҳиндистон суверенитети, бир бутунлиги, миллий манфаатлари ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилади. Ўз мақсади сифатида "тинч ва конституцион йўл билан парламент демократияси асосидаги давлат тизимини яратиш"ни эълон қилган. Жумладан партия 1998 йилдаги сайлоолди манифестида диний-каставий айирмачилик, ишсизлик, қашшоқлик, саводсизликка қарши кураш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, эркин иқтисодий ислоҳотлар, тинчлик бўйича халқаро сиёсат ва барча мамлакатлар билан дўстлик муносабатлари тарафдори сифатида чиққан эди.

2004 йилдаги сайловларда ҲМК иқтисодий ўсишни ижтимоий адолат билан уйғунликда олиб бориш, давлат секторини мустаҳкамлаш ва хусусийлаштиришни танловли амалга ошириш, ижтимоий харажатларни ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг қашшоқ қатламлари турмуш даражасини кўтаришга ваъда берди. Партия 26,8% овоз тўплади ва 145 та ўринга эга бўлди, аммо у иттифоқчилар билан бирлашиб парламентдаги йирик блокка айланди. Соня Ганди бош вазирлик лавозимидан воз кечгач, ҳукумат раҳбарлигини ҲМК вакили Манмохан Сингх ўз зиммасига олди.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**"Milliy tiklanish" шарҳловчиси**

**• Мазкур партия шиори - "Тўла мустақил Ҳиндистон".**
**• Ҳиндистонда икки палатали парламент тизими амал қилиб, қуйи палата Лок Сабха, Юқори палата эса Ражъя сабха дея аталади.**

Рангин дунё

# Табиатнинг унутилган мўъжизаси



***Шаршаралар... уларда ажабтовур қудрат бор. Унинг оғушида бир дам турган киши ўзини енгил, тетик ва энг муҳими, тинч-хотиржам ҳис қилади. Кичик-кичик жилғалар қўшилувидан бунёд бўлган дарёлар ўз ўзанида бир маромда оқа туриб, ногаҳон заминдан узилади-ю, айюҳаннос солиб, пастликка ўрлайди.***

Анхел ("Фаришта") шаршараси ҳақида эшитмаган киши бўлмаса керак. Шовқин-сурони 20 чақирим наридан эшитилиб турадиган Анхел она заминимиздаги энг катта шаршара ҳисобланади. Жанубий Американинг Венесуэла давлати ҳудудида жойлашган бу табиат асарининг баландлиги 979 метрни ташкил этади. Қадим замонларда маҳаллий аҳоли Анхелнинг гўзаллиги ва улканлигини илоҳий деб тушунган. У ерда кўзга кўринмас, лекин ойдин оқшомлари шовқин кўтариб, базм қилувчи фаришталар яшайди, деган маънода афсоналар тарқалган. Ауян-тепуи тоғ чўққисидан оқиб турувчи ушбу шаршара Канайма миллий боғида жойлашган бўлиб, бугунги кунда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киради. 1962 йилнинг 12 июнида Венесуэла ҳукумати қарори билан Анхел шаршараси атрофида Канайма миллий боғи ташкил этилди. Боғ Венесуэланинг жануби-ғарбида жойлашган бўлиб, умумий майдони 3 миллион гектарга тенг. Боғ гўзаллик бобида мамлакатда иккинчи, дунёда эса еттинчи ўринда туради.

Шаршара маҳаллий ҳиндуларга илгаридан маълум бўлишига қарамай, расман XX аср бошида кашф қилинган. Илк бор уни тадқиқотчи Эрнесто Санчес аниқлаган эди. Бироқ, уни дунёга танитиш учувчи Жеймс Анхелга насиб этди. Манбаларда қайд этилишича, учувчи Анхел илк бор шаршарани 1933 йили кўрган. Орадан тўрт йил ўтиб, у аёли ва яна уч ҳамроҳи билан шаршарага келади. Саёҳат давомида уларнинг самолёти тўсатдан бузилиб қолади. Бундай пайтда учувчи самолётни Ауян-тепуи тепалигига қўндиришдан ўзга чора тополмайди. Анхел ҳамроҳлари билан 11 кун деганда шаршара ёқалаб пастга юриб, цивилизация томон чиқиб олади. Учувчининг кўрсатган ана шу жасорати учун шаршарага Анхел номи берилган. Ҳозирги кунда вертолёт ёрдамида олиб чиқилган Анхелнинг самолёти Маракае музейида сақланмоқда. Шаршара чўққисида ушбу самолётнинг нусхасинигина кўриш мумкин.

Анхел шаршараси ёввойи ўрмон чакалакзорларида жойлашгани боис, у ерга фақат ҳаво орқалигина бориш мумкин. Лекин, шаршаранинг ҳақиқий гўзаллигини ҳис қилишни истаганлар у ерга пиёда кўтарилишни афзал билади. Айтишларича, 1949 йили шаршарани ўрганиш мақсадида ташкил қилинган илк экспедиция белгиланган манзилга 20 кун деганда етиб борган экан. Бироқ, бугунги техник тараққиёт даврида дунёнинг энг баланд шаршарасига чиқиш учун бир сутка кифоя қилади. Саёҳатни бепоён саванна бўйлаб жойлашган Канайма қишлоғидан бошлаган маъқул. Асосан ҳиндулар яшайдиган қишлоқ шаршарага чиқишни истаган сайёҳлар учун мўлжалланган. Бу ерда иссиқ сув, электр тармоғи, моторли қайиқ дейсизми, ҳатто, йирик мегаполисларга хос дўконлар ҳам бор. Сўнгги йилларда шаршарага келиб-кетувчи сайёҳлар сони сезиларли даражада ошган. Ҳар ойда минглаб сайёҳлар кумушранг шаршарани томоша қилиш учун келишади. Айниқса, ёмғирлар мавсумида шаршара тамоман ўзгача қиёфага кириб, иккига ажрайди. Бундай пайтда шаршара қанот ёзаётган фаришта мисол кўзни қамаштиради.

Шаршаралар жозибаси бўйида ёки баландлигида эмас, балки ён-верида ўсган гиёҳлар, гулу майсалар, харсанг тошларни қучоқлаб ўсган дарахтлар назокати билан ҳам янада чирой очади. Анхел шаршараси ҳам бундан мустасно эмас. Унинг табиати, наботот ва ҳайвонот олами ниҳоятда ўзгача. Хусусан, Ауян-тепуи тоғ тизмаларида олиб борилган экспедициялар чоғида фанга умуман номаълум бўлган кўплаб ўсимлик турлари кашф қилинган. Масалан, шаршарага келиб қуюлувчи жилғаларнинг биридан боши супургини эслатувчи балиқ ва итсимон бақа топилган. Бундан ташқари, шаршара сувларида ҳар бири 30 сантиметр келадиган, тилларанг кўзли ниначилар яшаши қайд қилинган. Маълумки, бундай ниначилар 300 миллион йил аввал динозаврлар даврида ҳам яшаган. Бу ерда олимлар нафақат йирик ҳайвонлар, балки инсон ҳаёти учун хавф туғдира оладиган заҳарли чумолилар борлигини айтишмоқда. Бундай чумолиларнинг жағи пўлат мисол қаттиқ бўлиб, бир тишлашда дарахт новдаларини синдириб юбораркан.

Табиатнинг унутилган мўъжизаси бўлмиш Анхел шаршараси, унинг ёввойи оламини ўрганиш ишлари бугун ҳам давом этмоқда. Ўтказилаётган ҳар бир экспедиция янги кашфиёт ва топилмаларни ҳадя этиш баробарида шаршара ҳақида кўпроқ маълумот тўплаш имконини бераяпти. Анхел чиндан-да табиатнинг бетакрор мўъжизасидир. Тоғ чўққисидан нозик жилғалар жилдираб тушаркан, ярим йўлда булутларга қоришиб кетади. Энг тубига келганда эса кучли оқимга айланади. Сайёҳларнинг фикрича, бундай манзарани юқоридан, яъни вертолётдан туриб томоша қилишнинг гашти бўлакча. Анхел шаршарасига чиқиш анчайин машаққатли. Бироқ, шунга қарамай шаршара сайёҳу олимларни ҳамиша ўзига ром этишда давом этмоқда.

**Зафар МУҲАММАД**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Автобуслар тўқнашуви

**Хабарларга қараганда, Нигериянинг Абужа ҳамда Локожа шаҳарлари оралиғида ҳаракатланаётган автобус қарама-қарши томондан келаётган автобус билан тўқнашиб кетган.**



Ҳайдовчисининг эҳтиётсизлиги оқибатида юз берган ҳалокат туфайли 20 нафар йўловчи воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган, уларнинг кўпчилигини ёш болалар ташкил этади. 40 нафардан ортиқ одам турли даражада тан жароҳати олган. Айрим кузатувчиларнинг фикрича, мамлакатда кейинги пайтларда транспорт билан боғлиқ нохуш ҳолатлар тез-тез кузатилмоқда. Бунга йўлларнинг сифатсиз ва торлиги, ҳатто, шаҳарлар марказларида ҳам аҳвол кўнгилдадек эмаслиги сабаб бўлаётир.

## 30 йилда илк марта

**Шу кунларда сайёрамизнинг кўпгина давлатларида об-ҳавонинг кескин исиб кетиши кузатилмоқда. Бунинг оқибатида айрим минтақаларда кучли қурғоқчилик юз бермоқда.**



Хусусан, Янги Зеландияда ўттиз йилдан буён илк маротаба қурғоқчилик рўй бераётир. Бу эса мамлакат иқтисодига таъсир қилди. Масалан, биргина сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатига 890 миллион доллар миқдорда катта зарар етказган.

## Кўп функцияли қурилма

**"Samsung" компанияси томонидан янги турдаги "Galaxy S6" смартфони савдога чиқарилади.**



Маълумотларга кўра, янги қурилманинг асосий камераси 13 мегапексл бўлиб, олд томонидаги 2 мегапексилли камера секундига 30 та кадрни суратга олиши мумкин. Ундаги "DUAL camera" тизимида бир вақтнинг ўзида ҳар икки камера билан суратга олади. Шунингдек, "Samsung Opti-Reader" технологиясининг матн, ташриф қоғози ва шунга ўхшаш маълумотларни ўқиб бериш имконияти бор. У бир вақтнинг ўзида акселеометр (тезликни аниқловчи ускуна), масофа ва ёруғликни ўлчовчи сезгир қурилмалар, барометр ва термометрга эга. Шу билан бирга, смартфон инсоннинг юрак уриши, қон босими, тана ҳарорати ҳақида ҳам маълумот бера олади. Янги қурилманинг савдоси шу йилнинг сентябрь ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида "Samsung" компанияси томонидан ўтказилиши режалаштирилган.

## "Микеланжело қўли"

**Британиялик Кристофер Тейлор протез соҳасида улкан аҳамиятга эга бионик қўллар ясашга муваффақ бўлган.**



Мазкур кашфиёт уйғониш даврининг машҳур вакили шарафига "Микеланжело қўли" деб номланган. Бионик қўл кундалик вазифаларни енгиллаштириш билан бирга аввалги иш фаолиятга қайтиш имконини яратади. Протез қўл турли металлар қотишмаси ва пластикдан тайёрланган бўлиб, бармоқлар эгилиб-букилиш хусусиятига эга. Унинг янги ишланмаси мураккаблиги ва миядан келаётган нейрон сигналларни қабул қилиш ҳамда аниқ ҳаракатланиши билан аҳамиятлидир.

## Мақсад — алоқаларни янада яхшилаш

**Вьетнам президенти Чионг Тан Шангнинг АҚШга ташрифи якунланди.**



Бу 2007 йилдан буён океан орти мамлакатига Осиёдаги давлат раҳбарининг иккинчи ташрифидир. Расмий учрашувлар чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш масаласи муҳокама этилди. Таъкидлаш жоизки, АҚШ ва Вьетнам ўртасида йиллик товар айирбошлаш ҳажми 20 миллиард АҚШ доллардан ортиқ, Вьетнам иқтисодиётига киритилган инвестиция эса 22 млрд. АҚШ долларни ташкил этади. Икки мамлакат раҳбарлари Осиё-Тинч океани минтақасида эркин савдо соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш масаласига хам эътибор қаратди. Ҳозир АҚШда бир ярим миллион нафар Вьетнам диаспораси истиқомат қилади. Бундан ташқари 15 мингдан ортиқ вьетнамлик талаба-ёшлар турли мутахассисликлар бўйича АҚШда таҳсил олишмоқда.

*Хориж хабарлари асосида Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади*

# Кўзгу

## Маданият хабарлари

### Ўзбек кураши халқаро миқёсда

*Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ Миллий Кураш федерацияси тузилди. 1998 йил сентябрда Тошкентда 28 давлат вакиллари Халқаро кураш ассоциацияси (IKA) муассислари бўлишди ва шу муносабат билан бу ерда ўзбек кураши бўйича халқаро мусобақа ўтказилди.*

Кураш халқаро спорт тури сифатида тан олинди. Кураш қоидаларига халқаро мақом берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 февралдаги "Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони ўзбек миллий курашининг янада ривожланишида муҳим қадам бўлди. Бугунги кунга келиб жаҳоннинг бешта қитъасидаги 121 та давлатда Конфедерациялар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбек кураши бўйича жаҳон, қитъа ва мамлакат чемпионатлари, турнирлари, Ўзбекистонда Ат-Термизий хотирасига бағишланган ва бошқа кўплаб халқаро мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ҳозиргача ўсмирлар, ёшлар, эркаклар, хотин-қизлар ва фахрийлар ўртасида турли давлатларда 32 марта жаҳон чемпионати ўтказилди. Шунингдек, ҳар йили кўплаб халқаро турнирлар ташкил этилмоқда.

Миллий матбуот марказида IKA раҳбарияти томонидан ташкил этилган анжуманда шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида юртимизда ва қатор хорижий мамлакатларда ўтган мусобақалар, курашни халқаро миқёсда ривожлантириш ва оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича атрофлича фикр юритилди. Анжуманда таъкидланганидек, курашнинг жаҳон бўйлаб янада оммалашиши, кенг тарғиб этилиши, халқаро турнирлар, жаҳон, қитъа ва миллий чемпионатлар ўтказилиши жаҳон миқёсида халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, ҳалоллик ва юксак маънавиятни улуғлашга хизмат қилади.

### «Тошкент: кеча ва бугун»

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида "Тошкент: кеча ва бугун" мавзусида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан кўргазма ташкил этилди.*

Унда намойиш этилган асарларда истиқлол йилларида Тошкент шаҳрида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, беқиёс ўзгаришлар тасвирга олинган. Кўргазмага қўйилган рангтасвир ишлари ва фотосуратлардаги Тошкент шаҳри тарихи, шаҳарнинг эски ва бугунги кўринишлари, меъморий ёдгорликлар, бунёдкорлик жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз, турмуш тарзимизнинг турли қирралари, йил фасллари ва гўзал табиати иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Экспозициядан Тошкент давлат архитектура-қурилиш институти томонидан тайёрланган Тошкентни янада замонавийлаштиришга доир лойиҳалар ҳам ўрин олди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Маърифат масканлари



# Замонавий кутубхона

**маънавий ва маърифий юксалишнинг пойдевори**

*Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизнинг маънавий юксалиши йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 20 мартдаги "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада изчил ва бардавом ишлар олиб борилаётганини яна бир бор тасдиқлади.*



— Истиқлол меваси бўлган, шаҳримиз чиройига ўзгача кўрк бағишлаб турган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси китобхонлар, таълим, маданият, маънавият ва маърифат фидойилари, талаба ёшлар, бутун халқимиз учун чинакам совға бўлди, - дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Ходжаев. — Бугунги кун кутубхонаси аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Ҳозирги кутубхона ўзига хос ахборот маркази. У ердан керакли барча маълумотларни, ахборотларни топиш мумкин. Ахборот технологиялари кўмагида нафақат кутубхонанинг ўз ресурсларидан, балки тармоқ орқали хорижнинг улкан ахборот ресурсларидан ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Бундай улкан маънавий хазинани китобхонлар ихтиёрига тақдим этиш, уларнинг электрон шаклларини яратиш устида тўхтовсиз ишлар олиб бориляпти. Бунинг учун Миллий кутубхона етарли даражада техник жиҳозлар билан таъминланган, материалларни доимий ва давомли тартибда электрон шаклга ўтказиш билан шуғулланадиган мутахассислар фаолият олиб боришмоқда.

Ушбу маърифат масканида 24 та зал, 13 та ўқув зали, 220 минг ноёб ва нодир нашрлар, 2 миллиондан ортиқ китоб, 3 миллион даврий нашр, 1 миллионта илмий техник ҳужжат ва 550 минг микроформа, 450 минг дона чет эл адабиётлари, 750 минг автореферат ҳамда 14 мингдан ортиқ диссертациялар сақланмоқда.

— Кутубхонамизда "Электрон буюмларни мувофиқлаштириш ва ресурсларни масофага етказиб бериш хизмати", "Ахборот коммуникация технологиялари ва хорижий ахборот кутубхона фондларига уланиш хизмати", "Ахборот кутубхона фондларини комплектлаштириш хизмати", "Маълумотхона ахборот хизматлари кўрсатиш хизмати", "Халқаро алоқаларни ташкил этиш", "Катологлаштириш ва туркумлаштириш хизмати", "Илмий методика ва тадқиқот хизмати" ҳамда "Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизмати" мавжуд, - дейди электрон буюмларни мувофиқлаштириш ва ресурсларни масофага етказиб бериш хизматининг биринчи тоифали мутахассиси Гулбаҳор Қобилжонова. — Бизнинг бўлимимиз янгича ёндошув бўлганлиги учунми, нафақат юртимиздаги китобхонларни, балки хорижда таҳсил олаётган талабаларимиз ҳамда бошқа қизиқувчилар эътиборини ҳам қаратмоқда. Кутубхоналараро хизмат кўрсатишнинг янги шакли ушбу хизмат туридан фойдаланиш ҳамда буюртмалар бажариш муддатини сезиларли даражада қисқартирди. Бу хизмат икки турга бўлинади: анъанавий ва масофавий хизмат кўрсатиш. Анъанавий хизмат кўрсатишда фойдаланувчи маълумотдан вақтинча фойдаланиш учун электрон ёки анъанавий буюртма бериши мумкин. Масофадан хизмат кўрсатишда эса буюртмалар электрон шаклда қабул қилинади, тайёрланади ҳамда сифатли ва тезкорлик билан фойдаланувчига етказилади. Китобхон дунёнинг қай бир бурчагида бўлишидан қатъий назар интернет орқали китоб, газета, журнал, диссертацияларни буюртма қила олади. Маълумотлар асл нусха ёки электрон кўринишда тақдим этилиши билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига асосан буюртмачиларга асарнинг фақат 15 фоизи тақдим этилади. Нодир ва ноёб нашрлар бўйича буюртмалар қабул қилинмайди.

Буюртма қилинган китобларнинг нашр қилингани 50 йилдан ошса, у ўз муаллифлик ҳуқуқини йўқотади. Бундай китоблар тўлиғича электрон шаклда жўнатилади. Бугунги кунда бу янги хизматдан асосан Европа мамлакатларидан буюртмалар қабул қиляпмиз. Хорижий давлатларда таҳсил олаётган талабаларимиз илмий ишларида бу хизмат жуда қўл келмоқда.

Кутубхонамиздаги "Истиқбол" ўқув залининг 80 фоизини ёшлар ташкил қилади. Китобхон ўзини қизиқтирган китобларни мустақил равишда танлаб олиши ва фойдаланиши мумкин. Ўқув залидаги компьютерлар интернет тармоғига уланган бўлиб, китобхон турли дастурларда ишлаши, ўзига керакли бўлган илмий таълимий ресурслар, электрон каталоглар ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятига эга.

Кутубхонамизда сканерлаштириш ва рақамлаштириш хизмати аъло даражада ташкил этилган. Ҳар қандай китобни ҳажмидан қатъи назар тезкорлик билан сканер қилиш имконияти мавжуд. Аппарат нодир ва ноёб китобларни варақларига шикаст етмаслиги учун ўзи варақлаб нусха олади.

Кутубхона бўйлаб саёҳатимиз давомида фойе ва ҳар бир қаватда жойлашган инфокиоск, инфошар, аудио ресурслар панели эътиборимизни тортди.

— Инфокиосклар ҳар хил турга бўлинади. Биттаси янгича 3D форматда бўлиб, симпозиумлар саройи ва кутубхона бўйлаб саёҳат қилишингиз мумкин, - дейди ахборот коммуникация технологиялари ва хорижий ахборот фондларига уланиш хизмати раҳбари Ҳасан Жўраев. — Барча инфокиоскларимизда сенсор дисплей бўлиб, исталган вазифани бажариши мумкин. Мисол учун биз хорижий ахборот ресурс маркази порталига аъзо бўлганмиз. Бу ерда ана шу инфо киоск орқали дунёнинг 97 та мамлакатидаги 2200 та даврий нашрларни 54 тилда ўқиш имконияти бор. Яна бир инфокиоскдан китобхон китоб, газета ёки журнални йўл-йўлакай буюртма қилади ва у ўз кафедрасига чиққунига қадар 15-20 дақиқа ичида буюртмаси қўлида бўлади. Аудиокиосклар эса имконияти чекланганлар учун жуда қўл келади. Чунки, у ерда қулоқчинлар воситасида исталган нарсани тинглаш имконияти мавжуд. Кутубхонанинг техник имкониятлари юқори даражада. Бино фойесида жойлашган интерактив шар ёрдамида китобхон оддий қўл ҳаракатлари билан экрандаги ер шарини хоҳлаган тарафига айлантириши, шардаги тасвирнинг масштабини ўзгартириши, ўзига керакли бўлган маълумотни спутник расмлари ёки схемали карталар ёрдамида батафсил ўрганиш мумкин.

— Баъзан бугунги кун ёшларини китоб ўқимаётганликда айблашади ёки танқид қилишади, - дейди кутубхона хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Умида Тешабоева. — Аммо мен ундай деб ўйламайман. Сабаби жорий йилдаги олти ойлик ҳисоботимизга кўра, китобхонларимиз сони ўтган йилгига қараганда 6 мартага кўпайган, яъни 371417 нафарни ташкил қилди. Кутубхонамизда фойдаланувчилардан ташқари нашрларнинг берилиши, электрон ресурслар ва босма адабиётларнинг келиб тушишида ҳам ўтган йилгига қараганда ўсиш юқори даражада эканлиги кузатилди. Кутубхонамизда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, халқаро алоқалар ҳам кенг йўлга қўйилган бўлиб, ходимлар малакасини ошириш учун Россия, Хитой каби мамлакатларга ўқув курсларига жўнатилади. Кутубхона ходимлари инглиз тили ўқув машғулотларида иштирок этмоқдалар. Миллий кутубхонанинг яна бир афзаллик жиҳати жисмоний жиҳатдан имконияти чекланганларга ҳам хизмат кўрсатилади. Кутубхонанинг янги биноси қурилиши билан бундай китобхонлар учун ўқув зали ташкил қилиш имконияти яратилди. Бино лойиҳаси ва қурилиши Президентимиз ташаббуси асосида бунёд этилгани туфайли унда кўзи ожизлар учун ҳам махсус Луи Брайл алифбосидаги 8 та замонавий компьютер ҳамда аудио китоблар ўрнатилди. Кутубхона раҳбарияти улар учун махсус китоб фондини шакллантириш борасида ишлар олиб бормоқда. Суҳбатдошимизнинг фикрларидан руҳланиб ўқув залларида мутолаа билан шуғулланаётган китобхонларни суҳбатга чорладик.

***Нодира АЛАВУТДИНОВА, ЎзМУ ўзбек филологияси катта илмий ходим, изланувчиси:***

— Юртимиз ёшларига ҳавас қилсак арзийди. Шундай муҳташам ва замонавий қулайликларга эга бўлган маърифат саройи улар хизматида. Ҳамма адабиётлар электронлаштирилган. Ҳатто XVI-XIX асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Туркистон заминида битилган қўлёзма ва тошбосма асарлар, XVII-XVIII асрларда ғарбий Европада чоп этилган китоблар кутубхонанинг ноёб ёдгорликларидан саналиб, электронлаштирилган. Авваллари китобларни қидириб, маълумотлар йиғар эдик, ҳозир эса ҳаммасини компьютер орқали тезкор амалга оширамиз. Ҳатто, узоқ масофада туриб ҳам интернет орқали диссертация ва авторефератларни буюртма бериб, электрон вариантини олиш мумкин. Буюртма қилган китобларимни мутолаа қилишга улгурмасам, улардан нусха кўчириш, сканер қилиш, матнни чоп эттириш, флешкага кўчириб олишим мумкин. Ҳар йили университетимизга турли мамлакатлардан хорижлик талабалар келишади. Мен, албатта, хорижлик меҳмонларни Миллий кутубхонамизга олиб келаман. Улар шубҳасиз, мустақил Ўзбекистон қисқа давр ичида улкан ютуқ, муваффақият ва кенг имкониятларга эришганини эътироф этишади. Яна хорижликларни "Жаҳон" хорижий ахборот залида дунёнинг 75 тилида чоп этилган 370 000 га яқин нашр мавжудлиги, адабиётларнинг 60 фоизини инглиз, 30 фоизини бошқа Европа тиллари 10 фоизини Шарқ, Австроосиё, Африка ва бошқа тиллардаги адабиётлар ташкил этиши қувонтириши шубҳасиз.

***Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ, Самарқанд Давлат тиббиёт институти талабаси:***

— 2012 йил март ойида оммавий ахборот воситалари орқали Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси янги биносининг очилиш маросими ҳақида эшитишимиз билан дадам мени Тошкентга олиб келдилар. Кутубхонага кириб, ўзимни ўзга оламга тушиб қолгандай ҳис қилдим. Муҳташам сарой, юқори даражадаги ахборот технологиялари, ўқув залларини кўриб лол қолдим. Дадам ҳам қара-я, сизлар учун қандай шароитлар яратиляпти, деб ҳавас қилдилар. Менга, айниқса, "Тафаккур" ўқув зали манзур бўлди. 100 кишига мўлжалланган 20 та компьютерли бу залда ўзбек ва рус тилларидаги китоблар ҳамда хориж вақтли матбуот нашрларидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Ҳозир керакли материалларни сайт орқали буюртма қиламан. Орада шунчалик узоқ масофа бўлса-да, менга электрон вариантдаги китоб етказилади. Биз ёшларнинг замонавий таълим олишимизга, жаҳон андозаларига мос кутубхоналардан фойдаланишимизга ана шундай имконият ва шарт-шароитлар яратиб берганликлари учун Юртбошимизга ташаккур билдираман. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бугунги кунда том маънода соҳа мутахассислари учун улкан тажриба ва фикр алмашиш майдонига, китобхон ва фойдаланувчилар учун эса ўзига хос маърифат масканига айланди.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## ҲИКМАТ

***Китоблар бизнинг энг сўнгги дўстларимиздир, улар бизни алдамайди, ҳамиша ёнимизда туради ва қартайганимизда ҳам маломат қилмайди.***

Э.Фагэ

***Очганингда ҳузурланиб, ёпганингда руҳан бойиганингни ҳис этганинг китобгина яхши китобдир.***

А.Олкотт

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

### Анжир

**Халқ табобатида анжир қадимдан жигар, талоқ ва ўпка яллиғланишини даволашда қўлланилган. Илмий тиббиётда ҳам бу мева кенг фойдаланилади.**



Анжирнинг ўзига хос хусусияти бор. Унинг шинниси асал каби таъсирга эга. Бу меванинг озиқлик хусусияти гарчи дон ва гўштникидек бўлмаса ҳам, бошқа ҳамма меваларникидан зўрдир. Хом анжир, шунингдек, унинг барги сўгал ва доғларни кетказади. Ғарқ пишган анжир ейилса касалликлар сабаб бузилган мижозни тузатади ҳамда чипқонларни пиширади. Унинг меваси ва қоқиси тутқаноқ касалига фойда қилади. Анжирни қулоқ ости шишларига қўйиб боғласа ҳам яхши шифо беради. Шунингдек, анжир томоқ қирилишида наф беради, кўкрак ва ўпка йўлларини юмшатади. Анжир ва унинг сути буйракдаги қумни ҳайдаб чиқариш хусусиятига эга.

## БИЛАСИЗМИ?

Китлар ҳид билмайди ва кўзлари деярли кўрмайди. Аммо уларга ҳаракатланишда товушлар ёрдам беради. Шу боис ҳам китлар сув қаъридаги барча товушларни эътиборсиз қолдирмай, таҳлил қилиб сузади.

* * *

Букри кит аслида букри эмас, бундай номланишига унинг шўнғиётганида елкасининг катта қисми кўриниб туриши сабаб бўлган.

## ТУРФА ОЛАМ

### Танго фестивали

**ШУ ЙИЛНИНГ 14-27 АВГУСТ КУНЛАРИ БУЭНОС-АЙРЕС (АРГЕНТИНА) ШАҲРИДА XI ТАНГО РАҚС БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ.**



Унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган ҳаваскор ва профессионал рақс санъати усталари иштирок этиши кутилмоқда. Фестивалда жонли мусиқадан ташқари, турли мавзудаги кўргазмалар, рақс кечалари, маҳорат сабоқлари ва танловлар бўлиб ўтади. Ўтган йилги фестивалда 200 та томоша қўйилган бўлиб, 32 мамлакатдан келган 487 нафар иштирокчи фаол қатнашган эди. Ташкилотчиларнинг айтишича, бу йилги танго фестивали ҳам зерикарли бўлмайди. Фестиваль доирасида Буэнос-Айрес кўргазмалар залида танго тарихи, рақс либослари ва мавзуга оид кўплаб аксессуарлар намойиш қилинади.

### "Ақлли" машина

**INFINITI БРЕНДИ ЯНГИ "АҚЛЛИ" МАШИНАНИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТДИ.**



Манбада келтирилишича, Infiniti Q50 автомобили ҳайдовчисини исми билан чақириш у ёқда турсин, саломлашишни ҳам биларкан. Машина салонидаги иккита дисплейда эса ҳайдовчининг энг яқин кишилари акс этган фотосуратларни кўриш мумкин. Муҳандисларнинг гапига қараганда, Infiniti Q50 интерфейси ҳайдовчига оид шахсий маълумотларни истаганча киритиш имконини беради. Бундан ташқари, "ақлли" машина кутилаётган автоҳалокатларни олдиндан башорат қилиш каби яна бир қанча фойдали амалларни ўзида жамлаган.

**Зафар МУҲАММАД тайёрлади**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1993 йилда Селезнёва Галина Федоровнага берилган 034195 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 819, Адади — 6201. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Камолиддин ҲОТАМОВ
**Навбатчи:** Шоҳида ДАМАНОВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.20.
***ISSN 2010-7714***

1 2 3 4 5